

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Президентнинг 2009 йил 10 февралдаги ПҚ-1055-сон қарори билан баъзи ҳужжатларни Президентнинг 2008 йил 24 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-1005-сон қарори билан мувофиқлаштириш мақсадида уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тўғрисидаги низомга (Президентнинг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Вазирликнинг вазифаларига техник, инсонпарварлик, беғараз ва хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг бошқа кўринишдаги ёрдами олишда иштирок этиш ҳам киритилган. Президентнинг «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига (2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон) киритилган ўзгартишларга мувофиқ эса, Ўзбекистонга келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий кўринишдаги инсонпарварлик ёрдами ва техник ҳамкорлик воситаларининг тўлиқ ва тизимли ҳисобини олиб бориш вазифаси Молия вазирлиги Фазначилигига юкланган.

ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 февралдаги 36-сон қарори билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июлдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган ўзгартишларга мувофиқ, болаликдан ногиронларга нафақаларни тўлаш, етказиб бериш ва юбориш харажатлари энди бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан эмас, балки республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Тегишли ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган) ҳам киритилди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига (2000 йил 29 июлдаги 245-сон) ўзгартишлар киритилган бўлиб, уларга кўра газни экспорт ва транзит қилувчи корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушаётган хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан озод этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласидан чиқариб ташланди. Вазирлар

Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 263-сон қарорига тегишли ўзгартишлар киритилди.

НАВОИЙЛИКЛАР УЧУН ЎСИШ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 37-сон қарори билан 2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тасдиқланди. Унда қуйидаги асосий йўналишлар ва мақсадли параметрлар назарда тутилган: ялпи минтақавий маҳсулотнинг 2009 йилда 7,7 фоизга, 2010 йилда 8 фоизга ўсишини таъминлайдиган минтақавий иқтисодий таркибидagi барқарор юқори суръатларда ўстириш; ялпи минтақавий маҳсулот ҳажмида санот корхоналари улушини 2,2 бараварга етказиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик бизнеснинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улушини 29,8 фоизгача етказиш; хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик ташаббусларини янада кенгайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, унинг ялпи минтақавий маҳсулот таркибидagi улушини 30,9 фоизгача етказиш; қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилаш.

Шунингдек ушбу Дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тасдиқланди. Унинг мақсадли параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида эса Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

АМАЛИЁТГА КИМ КЕЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунара коллежалари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида» қарори (2009 йил 11 февралдаги 40-сон) билан Касб-хунара коллежалари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Амалиёт ўташ олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш мақсадидаги ўрта махсус, касб-хунара таълими асосий таълим дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. Касб-хунара коллежалари амалиёт бошланишидан кечи билан бир ой олдин корхоналар билан уларнинг базасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тўғрисида шартнома тузишлари шарт. Амалиёт давомида ўқув муассасаси ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига, жиҳозларга, мосламаларга ва бошқа меҳнат анжомларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини; хом ашё, материаллар ва электр энергиясининг тежамли сарфланишини; ўқувчилар томонидан корхона, муассаса ва ташкилотнинг тегишли маъму-

рий ва ишлаб чиқариш ходими кўрсатмалари ва фармойишлари бажарилишини таъминлаш шарт. Бундан ташқари, у ишлаб чиқариш таълими усталарига ёки ишлаб чиқариш амалиёти раҳбари бўлган ўқитувчиларга уларни амалиёт ўтказиладиган жойларга юборишда хизмат сафари харажатларининг тўлиғини; амалиётни ўтказиш режаларида назарда тутилган экскурсияларни ташкил этиш бўйича харажатларнинг тўлиғини таъминлайди. Корхонанинг мажбуриятлари жумласига ишлаб чиқариш амалиёти тугагач ҳар бир ўқувчига унинг ишлари сифатини, эришган натижаларини, ишга муносабатини, шунингдек унга бериш учун тавсия этилаётган тариф разрядини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш тавсифномаси бериш киритилган. Ҳужжат шунингдек бошқа масалаларни ҳам тартибга солади.

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН ЯНГИЛИК

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2009 йил 5 февралда 1897-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ҳўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). У ўз маҳсулотини (иш, хизмати) экспортини амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик юритувчи субъектларига татбиқ этилади. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ ҳисоблайдиган корхона-экспортёрлар 2009 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган давр мобайнида, ишлаб чиқарилаётган ўз маҳсулотининг жаҳон бозори нархлари корхона маҳсулотини қийматидан паст бўлган ҳолларда, амортизацияни ўрнатилган меъёрлардан камроқ ҳисоблаш мумкин. Агар ҳисоб сифатида кўзда тутилган усул бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммасидан юқори бўлган ҳолда, экспортёрлар амортизацияни пастайтирилган меъёрлар бўйича ҳисоблаш мумкин. У паст бўлган ҳолда, корхона-экспортёр фақатгина ҳисоб сифатида кўзда тутилган амортизация ҳисоблашининг усулларини қўллайди.

Пасайтирилган меъёр пасайтирувчи коэффициентни асосий воситаларнинг аниқ тури бўйича ўрнатилган амортизация меъёрига қўлайтириш орқали аниқланади. Пасайтирувчи коэффициент эса экспорт қилинадиган маҳсулотнинг жаҳон бозори нархини («Чегараловчи баҳо» – қонунчиликка мувофиқ корхоналар учун) корхона маҳсулотини қийматига нисбати сифатида аниқланади.

2009 йил 15 февралдан кучга киради ва 2010 йил 31 декабргача амал қилади.

МУСИҚА МАКТАБЛАРИДА ҲАҚ ҚАНДАЙ ТўЛНАДИ

Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори билан (АВ томонидан 2009 йил 5 февралда

1898-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ота-оналар томонидан болаларнинг муסיқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Низом Давлат бюджетининг оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан тузилган шартнома асосида ҳар ойда келгуси ойнинг 5-санасидан кечикмасдан амалга оширилади ва ўқув ойлари (сентябрь – май) учун тўланади. Боланинг касаллиги даврида (2 ҳафтадан кам бўлмаганда) тўлов олинмайди. Бунда, боланинг касаллиги тўғрисида ота-онанинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси ва даволаш муассасасидан ёки ҳудуд шифокоридан олинган маълумотнома тақдим этилиши зарур.

Тўлов икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, ўқувчилар мактаб рўйхатидан чиқарилади. Бирок тўланмаган тўлов бир ой ичида тўланган тақдирда, бола мазкур синфнинг дастурий талабини бажаргандан сўнг ўқувчилар сафига қайта тикланади. Ўқувчилар умумий сонининг (ўқув йили бошланишида) 25 фоизи доирасида кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли болалари таълим олишлари учун тўловдан озод этиладилар.

Таълим олиш учун ота-оналар томонидан амалга оширилган тўловдан тушган маблаг болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва концертмейстерларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

2009 йил 15 февралдан кучга киради.

ҚОИДАЛАРГА КўРА АЛОҚА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи билан (АВ томонидан 2009 йил 6 февралда 1900-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Улар мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳамда уни кўрсатиш тартиби ва шартларини, мобиль алоқа тармоқлари операторлари ва абонентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек уларнинг жавобгарлигини белгилайди. Чунончи, операторлар одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасида муҳофаза, хавфсизлик ва ҳуқуқ тартибни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли хабарлар, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик тақдим этишлари лозимлиги белгиланган. Операторлар телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек уларга тааллуқли бўлган барча маълумотлар сир тутилишига риоя қилишга мажбур. Телефон сўзлашувларини эшитиш, телеком-

муникация тармоқлари орқали узатилаётган хабарлар билан танишиш, улар тўғрисидаги маълумотларни олишга, шунингдек сўзлашувлар сирларига доир бошқа чекланишларига қонун билан белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Шунингдек оператор шартномани бажариш туфайли унга ошкор бўлган абонент тўғрисидаги маълумотларни, абонентнинг розилигисиз учинчи шахсларга бериши ёки тарқатишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Абонентларга оператор томонидан кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматларининг рўйхати операторга тегишли бўлган мобиль алоқа тармоғининг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда оператор томонидан белгиланади. Оператор ахборот-маълумот хизмат тизимини яратишга ва пулли ҳамда бепул ахборот-маълумот хизматларини кўрсатишга мажбур (ҳужжатда бепул хизматларнинг рўйхати белгиланган). Ҳужжат билан мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартнома тузиш тартиби ва шартлари, оператор ва абонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, абонентлар билан ҳисоб-китоблар ва мобиль алоқа хизматларининг тўлови ва тарафларнинг мажбуриятлари тартибга солинган.

2009 йил 16 февралдан кучга киради.

ДИВИДЕНДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИ

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2009 йил 10 февралда 1901-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Дивиденд тарзидagi даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Белгиланишича, 2009 йил 1 январдан 2014 йилнинг 1 январигача: жисмоний шахслар – микрофирма ва кичик корхоналарнинг муассислари томонидан олиннадиган дивиденд тарзидagi даромадлари; юридик шахслар томонидан олиннадиган дивиденд тарзидagi даромадларнинг капиталлашувга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган қисми солиқ солишдан озод этилади. Мазкур қоида Солиқ кодексига мувофиқ доимий хусусиятга эга бўлган юридик шахслар олинб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган солиқ солинмайдиган дивидендларга татбиқ этилмайди.

Мазкур имтиёз 2009 йилнинг 1 январидан кейин ва 2014 йилнинг 1 январига қадар тўланадиган барча дивидендлар учун, улар қайси давр учун ҳисобланганлигидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Жисмоний шахслар – муассисларга дивиденд тарзидagi даромад тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар тўлов манбаида солиқ ушлаб қолмайдилар. Мазкур имтиёз микрофирма ва кичик корхоналар томонидан мустақил тарзда, жисмоний шахсларнинг уни қўллаш тўғрисидаги аризаси тақдим этилмаган ҳолда қўлланилади. Дивиденд тарзидagi даромад тўловчи юридик шахслар эса Низомда



<p>1-2-бетлар</p> <p>Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар</p> <p>\$1 = 1406,49 сўм</p>	<p>3-4-бетлар</p> <p>Товарларни таснифлаш қоидалари</p> <p>€1 = 1838,85</p>	<p>5-10-бетлар</p> <p>Янги қонун ҳужжатлари</p> <p>£1 = 2097,64 сўм</p>	<p>11-бет</p> <p>Меҳнатни роҳат деб биладиганлар</p> <p>¥10 = 153,61 сўм</p>
--	---	---	--

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009
 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днec • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
 Аргументы и Факты • Vegepa • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
 • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

www.interpress.uz

119-0000
155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда келтирилган мақсадларга мазкур маблағларни йўналтирган тақдирда фойда солигини тўлов манбаида ушлаб қолмайдилар. Даромадларни солиқ солишдан озод этиш учун юридик шахс тўлов манбаига тасдиқланган шаклда ариза тақдим этади. Тўлов манбаида солиқ солинмаган дивидендлар тарзидаги даромадлар олувчи юридик шахслар банкда очилган махсус ҳисобварақда (22626 «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» алоҳида ҳисобварағи) ушбу маблағларни жамлайдилар ва улардан фақатгина Низомда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланадилар.

2009 йил 20 февралдан кучга киради.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ МУДДАТИДА САРФЛАГ

Марказий банк бошқарувининг қарори билан (АВ томонидан 2009 йил 12 февралда 467-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1998 йил 3 августдаги 467-сон Валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартибига ўзгартишлар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Белгиланишича, ички валюта бозорида харид қилинган хорижий валютани ҳисобга олиш учун Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига мувофиқ ваколатли банкларда миқдорлар учун махсус ҳисобварақлар очилади. Харид қилинган валюта миқдорининг махсус валюта ҳисобварақига кириш қилинган кундан бошлаб 7 иш куни мобайнида ишлатилмаган тақдирда, навбатдаги банклараро савдо сессиясида савдога қўйилиши шарт билан яна ваколатли банкка қайтарилиши шарт. Бунда хорижий валюта ваколатли банк томонидан сотиш кунидан курс бўйича акцептсиз тартибда қайта

сотилади. Илгари махсус валюта ҳисоб-рақамидан чиқарилиб, ишлатилмаганлиги ёки қайтарилганлиги муносабати билан унга қайтадан келиб тушган валюта ҳам қайта сотилиши шарт.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун аризаларни қабул қилаётганда валюта биржаси иштирокчилари миқдорларнинг қонуний ҳуқуққа эгалиklarини текширишлари кераклиги белгиланган. Валюта биржасининг аъзолари бўлмаган ваколатли банклар хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси валютаси билан биржасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига мувофиқ савдо-ларда биржа аъзолари орқали харид қиладилар ва сотадилар. Миқдорларнинг валюта операциялари бўйича валюта назорати агентининг функцияларини бажармаганлик ва тасдиқланган Низомни бузганлик учун қонунчиликда белгиланган жавобгарлик назарда тутилган.

2009 йил 22 февралдан кучга киради.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 31 январдан 13 февралгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 6 ва 7-сонлари асосида тайёрланди.

ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ ҲИСОБИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2009 йил 17 февралда 1906-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақ-

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқни-да танишиб чиқишингиз мумкин.

тинчалик низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидagi ҳужжатлар пакетидa чоп этилмоқда). Мазкур ҳужжат қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларга, бюджет ташкилотларига ҳамда нотижорат ташкилотларига татбиқ этилмайди. Уни қўллаш мақсадида ходимларга меҳнат шартномаларига ёки предмети ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлаётган жисмоний шахслар киради.

Вақтинчалик низомда назарда тутилган тартибга мувофиқ, ЯИТ тўловчилари ҳисобот ойда барча ходимларнинг ҳисобот ойда ҳақиқатда ишлаган кунларидан ва ушбу белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда (24 фоизли ставка бўйича, бироқ ҳар бир ходим учун ойига ЭКИХнинг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда, фермер хўжаликлари бундан мустасно; ЭКИХнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда – фермер хўжаликлари ҳар бир ходими учун) ҳужжатда келтирилган формула бўйича умуман корхона бўйича ЯИТнинг базавий миқдорини аниқлайдилар. Ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегириб ташланади, бундан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолатлар мустасно.

Ҳужжатда шунингдек ЯИТнинг базавий миқдорини солиқ ҳисоботида акс эттириш тартиби, унинг ҳисоб-китоби шакллари ва мисоллари келтирилган.

2009 йил 27 февралдан кучга киради.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ САВДО ХОДИМЛАРИ!

Янгидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар талабларига оид, тамаки истеъмол қилишнинг саломатликка хавфи тўғрисидаги ёзув сигарет пачкаси олди ва орқа қисмининг 30% майдонини эгаллаши керак. Олдинги талабда бу кўрсаткич 4%ни ташкил қилар эди.

Маълумот сифатида улгуржи ва чакана савдо ходимларига шуни етказмоқчимизки, эски 4% ёзувли қадоқланган сигареталар 2009 йилнинг 1 апрелига қадар сотилиши мумкин. Илова сифатида ЎзР МЧДК Баённомасидан кўчирма келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳузурида тузилган Ишчи гуруҳи Баённомасидан кўчирма (ЎзР МЧДК хати N АА11-18/845 санаси 3.11.2008 й.)

«Ишчи гуруҳи аъзолари ўз йўналишлари бўйича текшириш, ўрганиш ва таҳлил давомида улгуржи ва чакана савдо корхоналари томонидан эски стандарт талабига жавоб берган, 2009 йилнинг 1 январигача ишлаб чиқарилган тамаки ва алкоголь маҳсулотлар қолдигини (ишлаб чиқарилган муддатга асосланганда) 2009 йилнинг 1 апрелига қадар сотилиши инobatга олиниши маълумот учун қабул қилинсин».

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги шошилинч

телефон рақамларига мурожаат қилинг:

8-800-111-22-33

8-800-111-22-44

8-800-111-22-55

«Бритиш Американ Тобако Ўзбекистан»

маркетинг бўлими.

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS

SOLUTIONS TO SATISFACTION

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни «эшиқдан эшиккача» етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 17 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	918,02	1 Малайзия ринггити	389,23
1 Англия фунт стерлинги	2097,64	1 Польша злотийси	388,65
1 Дания кронаси	241,29	1 СДР	2097,48
1 БАА дирхами	382,95	1 Туркия лираси	849,84
1 АҚШ доллари	1406,49	1 Швейцария франки	1207,08
1 Миср фунти	253,38	1 ЕВРО	1838,85
1 Исландия кронаси	12,33	10 Жанубий Корея вони	9,93
1 Канада доллари	1131,53	10 Япония иенаси	153,61
1 Хитой юани	205,83	1 Россия рубли	40,70
		1 Украина гривнаси	182,66

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	17.02.2009	1	0,8063	1	1,0201	1	0,0228
Арманистон	17.02.2009	1	305,22	1	386,26	1	8,54
Беларусь	18.02.2009	1	2810,00	1	3549,03	1	78,86
Грузия	17.02.2009	1	1,675	1	2,134	1	4,816
Қозғистон	18.02.2009	1	149,28	1	188,65	1	4,17
Қирғизистон	14.02.2009	1	40,9711	1	52,8794	1	1,1856
Латвия	18.02.2009	1	0,556	1	0,702804	1	0,0157
Литва	18.02.2009	1	2,7327	1	3,4528	10	7,6526
Молдова	17.02.2009	1	10,5497	1	13,4593	1	0,30
Тожикистон	18.02.2009	1	3,7081	1	4,8237	10	1,078
Ўзбекистон	17.02.2009	1	1406,49	1	1838,85	1	40,70
Украина	17.02.2009	100	770,00	100	982,905	10	2,2139
Эстония	17.02.2009	1	12,384	1	15,6466	1	0,346104

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-2-бетлар**

✓ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

- Товарларни таснифлаш қоидалари
- Божхона қоидалари: А дан Я гача **3-4-бетлар**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ

ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

- «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:

- «Навоий» эркин индустриал-икти-

содий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

- ЎзР молия вазирининг «Бизнес соҳаси учун сўғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;
- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ягона ижтимо-

ий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

5-10-бетлар

✓ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- Ишчан мамлакатлар **11-бет**

✓ top

12-16-бетлар

Товарларни эркин муомалага чиқариш режимда эълон қилиш учун божхона тўловлари ва солиқларини тўлаётганда ТИФ иштирокчилари биринчи навбатда товарлар таснифланиши кераклигини билишлари керак – уларнинг кодлари (коди) Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (бундан кейин – ТИФ ТН) бўйича аниқланади. Президентнинг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-823-сон қарори билан 2008 йил 1 апрелдан бошлаб унинг ўнинчи белги даражасига қадар товарлар янада аниқ тасниф қилинган янги версияси (2007 йилги) амалга киритилди.

ТОВАРЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ҚОИДАЛАРИ

ТИФ ТН – рақамли белги ёки рақамли белгилар гуруҳи (кодлар) кўринишида товар гуруҳлари, позициялари, ёрдамчи позициялари, кичик ёрдамчи позицияларини ўз ичига оладиган товарлар таснифномасидир. Таснифнинг исталган даражасида позицияларга изоҳлар, шунингдек ТИФ ТН талқинининг асосий қоидалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

ТИФ иштирокчиси декларацияланаётган товарларни – уларнинг номлари, асосий миқдорий ва сифат параметрларини белгилайдиган техник ва асосий тижорат тавсифларини (стандартлар, навлар, русумлар, моделлар, артиклар, фирма номи ва шу каби тавсифларни) қанчалик аниқ баён этишига уларни божхона мақсадлари учун идентификациялашнинг аниқлиги ва ТИФ ТНнинг муайян ўн та белгилари кичик ёрдамчи позициясига қатъий тарзда киритиш ҳам боғлиқдир. Шунини билиш лозимки, бунда декларацияланаётган товарларни ТИФ ТНда келтирилган товар позициясининг умумий номи билан ва, агар у товарни аниқ тавсифламаса, ТИФ ТНда кўрсатиладиган номга мувофиқ кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Диққат! Агар декларациялаётганда ТИФ ТН бўйича товарлар кодлари нотўғри кўрсатган бўлсангиз, божхона органи уларни мустақил равишда таснифлашга ҳақлидир. Унинг товарларни таснифлаш бўйича қарорлари мажбурийдир. Бироқ улар хусусида шикоят қилиш мумкин.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатиладиган маълумотлар, шунингдек эксперт ташкилотлари томонидан бериладиган хулосалар, маълумотномалар, экспертиза далолатномалари ёрдамчи (ахборот) тусига эга ва товарларни таснифлаётганда божхона органлари томонидан эътиборга олинади.

Диққат! Товарлар таснифланаётганида низоларга йўл қўймаслик учун, шунингдек дастлабки операциялар босқичида божхона расмийлаштирувни жаддалаштириш учун сиз Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 114-моддасига мувофиқ Божхона органлари томонидан товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият номенклатурасига мувофиқлигини таснифлаш тўғрисида дастлабки қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида низомга (АВ томонидан 2002 йил 20 ноябрда 1190-сон билан рўйхатдан ўтказилган) биноан товарни таснифлаш бўйича дастлабки қарор чиқариш учун божхона органига мурожаат қилишингиз мумкин. Уни қабул қилиш йўлини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида»ги 204-сон қарорига кўра, эквивалентда 50 еврони ташкил қилади.

ТИФ ТН ТАРКИБИ

ТИФ ТН – ўз ичига товарнинг код белгиси, унинг номи ва товар ўлчов бирликларининг қисқартирилган белгисини оладиган, даражалар бўйича ахборот тақсимланган номенклатурадир.

1 бўлим. II бўлим. III бўлим... XXI бўлим	Бўлимлар
01, 02, 03, 04 97	Гуруҳлар
0301, ... 0304, ... 0308	Товар позициялари
0304 10, 0301 30	Ёрдамчи позициялар
0304 10 1100, 0304 10 1900	Кичик ёрдамчи позициялар

Маъмур жадвалдан кўринадики, «Бўлим» (1-

даража) товар кодида иштирок этмайди; «Гуруҳ» (2-даража) коднинг 2 дастлабки белгисини белгилайди; «Товар позицияси» (3-даража) – 4 белгини (дастлабкилари билан); «Ёрдамчи позиция» (4-даража) – коднинг 6 белгисини; «Кичик ёрдамчи позиция» (5-даража) – тўлиқ 10 белгилари кодни белгилайди.

БЎЛИМЛАР

Бўлимларни шакллантиришда қуйидаги аломатлардан фойдаланилади: товар тайёрланган материалнинг келиб чиқиши; кимёвий таркиби.

Мисол.

I бўлим. «Тирик ҳайвонлар; ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар».

II бўлим. «Ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар» ва ҳоказо.

ГУРУҲЛАР

Гуруҳларни шакллантириш товарларга ишлов беришнинг кетма-кетлиги қоидасига асосланган: хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлардан тайёр товарларгача, яъни ишлов беришнинг катта тажрибасига эга бўлган маҳсулотлар катта рақамга эгадир.

Мисол.

04-гуруҳ. Сут маҳсулоти, парранда тухумлари; табиий асал; бошқа жойда айтилмаган ёки киритилмаган ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари.

12-гуруҳ. Мойли уруғлар ва мевалар; бошқа уруғлар, мевалар ва дон; доривор ўсимликлар ва техник мақсадлар учун ўсимликлар; сомон ва ем-хашак.

30-гуруҳ. Фармацевтика маҳсулоти.

ТОВАР ПОЗИЦИЯЛАРИ

Товар позициялари (4 белгилари код) ва ёрдамчи позициялар (6 белгилари код) қурилганида ҳар бир гуруҳда аломатларнинг ўз изчиллиги қўлланилади. Бироқ код белгиладиган тўрт аломат асосий аломатлар бўлиб ҳисобланади:

- а) ишлов беришнинг ўсиб боровчи даражаси бўйича;
- б) товарнинг мақсади бўйича;
- в) товар тайёрланган материал тури бўйича;
- г) жаҳон савдосида товарнинг аҳамияти бўйича.

Диққат! ТИФ ТНда товарларни таснифлашнинг кичик ёрдамчи позицияларига қатъий киритиш қоидасига қаттиқ риоя қилинади, ушбу қоида ТИФ ТН талқинининг асосий қоидаларини ва бўлимлар, гуруҳларга (шу жумладан товар позицияларига изоҳлар мавжуд бўлган), ёрдамчи позицияларга изоҳларни, шунингдек таснифлашга оид ўзига хос масалаларни ҳал қилишга хизмат қиладиган қўшимча изоҳларни қўллаган ҳолда ишлов бериш даражасини ҳисобга олади.


ТОВАРЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ТАОМИЛИ

Товарларни таснифлаш тизимида ТИФ ТН талқинининг олти асосий қоидаси қўлланилади, улар Номенклатуранинг ажралмас қисмидир. Улар таснифлаш тизимини қуришнинг асосий қоидалари бўлиб, муайян товарни муайян товар позициясига, сўнгра тегишли ёрдамчи позицияга кетма-кет киритишни назарда тутати.

Диққат! ТИФ ТН талқинининг асосий қоидаларидан фақат кетма-кет, 1-Қоидадан 2-Қоидага, 2-Қоидадан 3-Қоидага ва ҳоказо ўтиб, фойдаланиш мумкин. Фақат агар то-

варни таснифлашда бирор-бир Қоидани қўллаш мумкин бўлмаса, сиз кейинги қоидани ўтиш ҳуқуқига эгасиз.

1-Қоида. «Бўлимлар, гуруҳлар ва кичик гуруҳларнинг номлари фақат ТИФ ТНдан фойдаланишнинг қулайлиги учунгина келтирилади; юридик мақсадлар учун ТИФ ТН бўйича товарларни таснифлаш товар позициялари ва бўлимлар ёки гуруҳларга тегишли изоҳларнинг матнларидан келиб чиқиб ва агар бундай матнларда бошқача қоида назарда



тутилмаган бўлса, қуйидаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади...»

Шу тариқа, 1-Қоида товарни таснифлаш номида таснифланаётган товарнинг номи тилга олинадиган товар позициясининг кодидан излашдан бошланишини белгилайди. Бунда бўлимлар ва гуруҳларнинг номи фақат изланиш йўналишини белгилаш учун хизмат қилади.

Мисол. 48-гуруҳ. Қоғоз ва картон; қоғоз массаси, қоғоз ва картондан ясалган буюмлар.

Бундан ташқари, бўлим ва гуруҳга изоҳларни ўқиш керак, чунки уларда товарни таснифлаш тўғрисида ахборот бўлиши мумкин. Бўлимга изоҳлар унинг барча гуруҳларига тааллуқлидир, уларга алоҳида эътибор берилиши керак, чунки бирор-бир гуруҳда товарни таснифлаётганда кўпинча бўлимга изоҳлар унутиб қўйилади.

2-Қоида. «а) товар позициясининг номида бирор-бир товарга ҳар қандай ҳавола қилиш, башарти бутланмаган ёки тугалланмаган кўринишда тақдим этилган ҳолда ушбу товар бутланган ёки тугалланган товарнинг асосий хоссасига эга бўлса, бутланмаган ёки тугалланмаган кўринишдаги бундай товарга ҳавола сифатида ҳам қаралиши керак, шунингдек йиғилмаган ёки бўлакланган кўринишда тақдим этилган бутланган ёки тугалланган (ёки кўриб чиқилаётган товар позициясида мазкур Қоида туфайли бутланган ёки тугалланган товар сифатида таснифланадиган) товарга ҳавола сифатида кўриб чиқилиши лозим;

б) товар позициясининг номида бирор-бир материал ёки моддага ҳар қандай ҳавола қилиш ушбу материал ёки модда билан аралашмаси ёки бирикувишига ҳавола қилиш сифатида ҳам қаратилиши керак. Муайян материал ёки моддадан ясалган товарга ҳар қандай ҳавола қилиш тўлиқ ёки қисман ушбу материал ёки моддадан иборат бўлган товарларга ҳавола қилиш сифатида ҳам қаралиши керак. Биттадан ортиқ материал ёки моддадан иборат бўлган товарларни таснифлаш 3-Қоиданинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади».

2 (а)-Қоида, агар божхона органида товар:

- а) бўлақларга бўлинган кўринишда тақдим этилган;
- б) тақдим этилаётган предметда тайёр товар таркибига қирадиган бирор-бир қисмлар мавжуд бўлмаган ҳолда;
- в) истеъмолга (фойдаланишга) тайёр бўлиши учун тақдим этилаётган предмет устида технологик операциялар ҳам ўтказиш зарур бўлса, қўлланилади.

Мисол. Соф ишлов бериш учун тайёр чўкичланган тирсаксимон вал, ушбу Қоидага мувофиқ 8483-«Трансмиссияли (шу жумладан муштумсимон...) валлар...» товар позициясида тайёр тирсаксимон вал сифатида таснифланади, чўкич билан қўпол равишда ясси зигзагсимон ҳолатга келтирилган, ундан тирсаксимон вал олиш учун янада ишлов бериш учун талаб қилинадиган қуйма эса 7207-«Темир ёки легирланмаган пўлатдан ясалган ярим тайёр маҳсулотлар» товар позициясида таснифланади.

2 (б)-Қоида материал ёки моддага тааллуқли бўлган товар позициясини кенгайтириб,

унга мазкур материал ёки модданинг бошқа материаллар ёки моддалар билан аралашмаси ва бирикмасини қўшади.

Мисол. Металлдан нақаджаси мавжуд бўлган термос учун пробка тиқин 4503-«Табиий пробкадан буюмлар» товар позициясига киритилади.

Икки ёки ундан кўп товар позицияларига киритиш мумкин бўлган, материаллар ёки моддалар аралашмалари ҳамда бирикмалари ва биттадан кўп материал ёки моддадан тайёрланган товарлар 3-Қоида принципларидан келиб чиқиб таснифланиши керак. **3-Қоида.** «Агар 2 (б)-Қоида туфайли ёки бирор-бир бошқа сабабларга кўра товарларни икки ёки ундан ортиқ товар позицияларига киритиш имконияти мавжуд бўлса, бундай товарларни таснифлаш қуйидагича тарзда амалга оширилади:

а) умумий тавсифланган товар позициялари билан таққослаганда товарнинг энг кўп тавсифига эга бўлган товар позицияси кўпроқ афзал кўрилади. Бироқ икки ёки ундан ортиқ товар позицияларининг ҳар бири фақат аралашма ёки кўп компонентли буюм таркибига қирадиган материаллар ёки моддаларнинг фақат бир қисмига ёки чакана сотиш учун тўпламда тақдим қилинган товарлар бир қисмигагина алоқадор бўлса, мазкур товар позициялари, ҳатто агар улардан бири товарнинг янада тўлиқ ёки аниқроқ тавсифини берса ҳам, мазкур товарларга нисбатан тенг қийматли сифатида қаралиши керак;

б) таснифланиши 3 (а)-Қоиданинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин бўлмаган, турли материаллардан иборат бўлган ёки турли компонентлардан тайёрланган аралашмалар, кўп компонентли буюмлар ҳамда чакана сотиш учун тўпламларда тақдим этилган товарлар, башарти ушбу мезонни қўллаш мумкин бўлса, мазкур товарларга асосий хоссани берадиган ўша материал ёки таркибий қисм бўйича таснифланиши керак;

в) таснифланиши 3 (а) ёки 3 (б)-Қоиданинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин бўлмаган товарлар мазкур товарларни таснифлашда кўриб чиқиш учун тенг даражада мақбул бўлган товар позициялари ўртасида кодларнинг ўсиб бориши тартибидан охириги товар позициясида таснифланиши керак».

Мазкур Қоида биринчи қарашда 2 (б)-Қоидага мувофиқ ёки бошқа сабабга кўра иккита ёки ундан кўп товар позициясига киритиш мумкин бўлган товарларни таснифлаш учун қўлланилади. Ушбу вариантлар улар мазкур Қоидада келтирилган тартибда қўлланилади: 3 (а)-Қоида таснифлашда ёрдам бермаганда, 3 (б)-Қоида қўлланилади, агар икковиси натижа бермаса, 3 (в)-Қоида қўлланилади. Шу тариқа, устуворлик қуйидагича:

- 1) товарнинг энг аниқроқ тавсифи – 3 (а);
- 2) товарнинг асосий хусусиятини белгиладиган материал ёки қисм – 3 (б);
- 3) кўрилаётган позициялардан энг охири – 3 (в).

3-Қоида фақат товар позицияларининг номлари ҳамда бўлимлар ва гуруҳларга изоҳлар бошқача талқинни талаб қилмасигина қўлланилиши мумкин.

Мисол. Товарни таснифлаш лозим: «Консерва банкалари қопқоғини ёпадиган аппарат». Товарни икки позицияда кўриб чиқиш мумкин:

8422. Идиш-товоқ ювадиган машиналар; шишалар, банкаларни тўлдириш, оғзини ёпиш, яшиқлар, қоплар ёки бошқа идишларни ёпиш; уларни тамғалаш учун ускуналар ёки...

8468. Паст ҳароратда кавшарлаш, юқори ҳароратда кавшарлаш ёки пайвандлаш учун ускуналар ва аппаратлар...

Товар 8422 – Товар позициясида таснифланади, чунки у товарнинг янада тўлиқроқ тавсифини ўз ичига олади.

3 (б)-Қоида, агар қуйидагиларни таснифлаш зарур бўлса, қўлланилади: аралашмалар; турли компонентлардан иборат бўлган қўшма товарлар; чакана сотиш учун тўпламга киритиладиган товарлар; агар материални ёки товарнинг унинг асосий хусусиятини белгиладиган таркибий қисмини ажратиш имконияти мавжуд бўлса. Товарнинг асосий хусусиятини белгиладиган омиллар, унинг турига боғлиқ ҳолда, турлича бўлиши мумкин: материал ёки компонентнинг табиати, унинг ҳажми, оғирлиги, қиймати ёхуд товардан фойдаланилганда компонент ўйнайдиган роль.

Мазкур Қоида қўлланилганда аралашма товар деб компонентлари бири-бирига бирикиб, амалда битта чамбарчас яхлитлик ҳосил қиладиган товаргагина эмас, балки



ТОВАРЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ҚОИДАЛАРИ

3-бегда башарти улар бир-бирига мослаштирилиб, бир-бирини тўлдирган ва биргаликда айрим қисмлар кўринишида сотишга тақдим этиб бўлмайдиган яхлит нарсага ҳосил қилса, ажраладиган компонентларга эга бўлган товар ҳам ҳисобланади.

Мазкур Қоида қўлланилганида чакана сотиш учун комплекта кирадиган товарларга нисбатан таснифлаш қиймат бўйича асосий ҳисобланган компонент ёки компонентлар бўйича ёки бир товар позициясига киритиладиган кўпчилик компонентлар бўйича амалга оширилиши керак.

Мисол. Соч олиш учун электр машина (товар позицияси 8510), тароқ (9615), қайчи (8213) ва чўтка (9603)дан иборат бўлган, пластмасса ғилофга (4202) солинган сартарошлик тўплами 8510-«Электр устаралар, соч олиш учун машиналар...» товар позициясида таснифланади, у қиймат бўйича тўпламнинг асосий элементини ўз ичига олади.

Товарни таснифлаш масаласини 3 (а) ва 3 (б)-Қоидалар ёрдамида ҳал этиб бўлмаса, унинг ушбу товарлар тенг даражада киритиш мумкин бўлганлари ўртасида **тартиб бўйича охиригиси** бўлган товар позициясида 3 (в)-Қоидага мувофиқ таснифлаш керак.

4-Қоида. «Юқорида баён этилган қоидаларга мувофиқ таснифлашнинг амалга ошириш мумкин бўлмаган товарлар кўриб чиқилган товарларга энг ўхшаш (яқин) бўлган товарларга мувофиқ келадиган товар позициясида таснифланади».

Ушбу қоида 1-3-қоидаларга кўра таснифлаш мумкин бўлмаган товарларга татбиқ этилиб, уларни мазкур товарларга энг яқин бўлган товарлар кирадиган товар позициясида таснифлаш назарда тутилади. Амалда ушбу Қоида жуда кам истеъмол қилинади, чунки кўп гуруҳларда «бошқалар» позицияси мавжуд.

5-Қоида. «Юқорида тилга олинган қоидаларга қўшимча тарзда қуйидаги номма-ном келтирилган товарларга нисбатан қуйидаги қоидалар қўлланилиши керак:

а) фотоаппаратлар, чолғу асбоблари, милтиқлар, чизмакашлик анжомлари, тақинчоқлар учун ғилоф ва жилдлар, шунингдек махсус шаклга эга бўлган ёки тегишли буюм ёки буюмлар тўпламини жойлаштириш учун мослаштирилган, узоқ фойдаланиш учун яроқли ва у мўлжалланган буюмлар билан биргаликда тақдим қилинган худди шундай идиш (тара), агар бундай идиш одатда сотувчи мазкур буюмлар билан биргаликда келиб тушса, унга ўраб-жойлаштирилган буюмлар билан биргаликда таснифланиши керак. Бироқ мазкур Қоида ўраб-жойлаштирилган буюм билан ягона яхлитликни ҳосил қилиб, унга асосий хоссани берадиган идишга нисбатан қўлланилмайди;

б) юқорида келтирилган 5 (а)-Қоиданинг қоидаларига кўра уларда жойлашган товарлар билан биргаликда етказиб бериладиган ўраб-жойлаш материаллари ва идиш, агар улар одатда мазкур товарларни ўраб-жойлаш учун фойдаланиладиган кўринишда бўлса, биргаликда таснифланиши керак. Бироқ мазкур қоида, агар бундай ўраб-жойлаш материаллари ёки ўраб-жойлаш контейнерлари қайтадан фойдаланиш учун яроқлилиги яққол кўзга ташланса, мажбурий қоида ҳисобланмайди».

5 (а)-Қоида қуйидаги ўраб-жойлаш материаллари ва контейнерларига нисбатан қўлланилади, яъни:

1) аниқ буюм ёки буюмлар тўпламини солиш учун шаклга эга бўлган ёки шу тарзда ясалган, яъни **муайян буюм тури учун махсус конструкцияланганлари**. Баъзи контейнерлар ўзига солиниши керак бўлган буюмлар шаклини такрорлайди;

2) узоқ вақт фойдаланиш учун яроқли, яъни улар мўлжалланган буюмлар сингари шундай узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлганлари. Ушбу контейнерлар ҳам улардан фойдаланилмаётганда (масалан, ташиш ёки сақлаш пайтида) буюмларнинг сақланишини таъминлаш учун хизмат қилади;

3) улар учун мўлжалланган буюмлар билан биргаликда, буюмларнинг ўзлари ташишда

қулай бўлиш учун алоҳида ўраб-жойлаштирилиши мумкинлигидан қатъи назар, тақдим этиладиганлари.

Мисол. Заргарлик буюмлари учун ғаладон ва қутичалар (7113) ҳам ушбу код бўйича таснифланади.

Электр устаралар учун ғилофлар (8514) айни шу код бўйича таснифланади.

Уларга ўраб-жойлаштирилган товарга (чай, конфет, печенье) қатъиян бошқача хусусият бағишлайдиган кумуш чойдонлар ёки ширинликлар учун безакли сопол вазачалар туридан контейнерлар мазкур қоида қўлланилмайдиган контейнерларга мисолдир.

5 (б)-Қоида қуйидаги шартларни қониқтирадиган ўраб-жойлаш материали ёки контейнерларни таснифлашни тартибга солиди: улар ўзларида жойлаштирилган товар билан биргаликда тақдим этилиши ёки мазкур товар учун қўлланиладиган оддий кўринишдаги ўрам бўлиши керак. Бироқ агар ўраб-жойлаш материаллари қайтадан фойдаланиш учун яроқли бўлса, қўлланилмайди.

Мисол. Олма шарбати учун картон қутичалари олма шарбати билан биргаликда 2009-«Мева шарбатлари (шу жумладан узум шиниси) ва сабзавот шарбатлари...» товар позициясига киритилади.

Диққат! Алоҳида етказиб бериладиган контейнерлар ўз товар позицияларида таснифланадилар.

6-Қоида. «Юридик мақсадлар учун товар позициясининг ёрдамчи позицияларида товарларни таснифлаш ёрдамчи позицияларнинг номлари ва ёрдамчи позицияларга алоқадор бўлган изоҳларга мувофиқ, шунингдек, агар фақат ёрдамчи позициялар бир даражада таққослаб бўлинса, юқорида тилга олинган қоиданинг шартларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Мазкур Қоиданинг мақсадлари учун, агар контекста бошқа нарса таъкидланмаган бўлса, бўлимлар ва гуруҳларга тегишли изоҳлар ҳам қўлланилиши мумкин».

Товарни товар позицияси (4 белги) даражасида таснифлаётганда ёрдамчи позициялар даражасида янада деталлаштиришни ўтказиш зарур.

6-Қоида, юқорида кўриб чиқилган 1-5-қоидалар, биргина товар позицияси (4 белги код) доирасида товар ёрдамчи позициялари (6 белги код) даражасида таснифлаш учун ҳам тегишли ўзгартишлар билан қўлланила билади.

ИЗОҲЛАР ТЎҒРИСИДА

Товар турли аломатларга кўра бир нечта товар позицияларига киритилиши мумкин бўлган ҳолларда таснифни аниқлаштириш учун ТИФ ТН матнида мавжуд бўлган, қуйидаги функцияларни бажарадиган бўлимлар ва гуруҳларга изоҳлардан фойдаланиш керак:

– турли товар позициялари ўртасида аниқ чегара ўтказиш ва уларнинг устувор жиҳатларини аниқлаш имконини беради;

– товар позициялари матнларининг керагидан кўпроқ ошиб кетмаслигига йўл қўймаслик учун номларда ишлатиладиган атамаларнинг аниқ таърифларни ўз ичига олади;

– ТИФ ТНда фойдаланиладиган, уларнинг умумқабул қилинган талқинига мувофиқ келмайдиган баъзи атамаларнинг талқинига эга;

– кўпчилик ҳолларда изоҳлар айрим товарларни таснифлаш хусусиятларини белгилайди.

Диққат! Агар изоҳларда товарни таснифлаш учун зарур ахборот мавжуд бўлмаса, ҳар бир товар позициясига киритиладиган товарларнинг батафсил рўйхатини ўз ичига оладиган ТИФ ТНга изоҳлардан ва таснифлашни аниқлаштириш имконини берадиган қўшимча маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Хулосада шуни ҳам қайд этиш муҳимки, ТИФ ТН Товар номенклатурасига мувофиқ товарларни тавсифлаш товарлар тавсифи, уларнинг фотосуратлари, расмлари, чизмалар, тижорат, техник ёки таснифлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

БОЖХОНА ҚОИДАЛАРИ: А дан Я гача

ОЛИС ХОРИЖ

ЧЕХИЯ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ЕИ МАМЛАКАТЛАРИДАН ЧЕХИЯГА ОЛИБ КИРАДИГАН ТОВАРЛАР УЧУН ЧЕКЛАШЛАР

Жисмоний шахс ўз истеъмоли учун қуйидаги миқдорда акцизли товарларни Чехияга Европа Иттифоқи мамлакатларидан олиб киришга ёки транзит билан Чехия ҳудуди орқали олиб ўтишга ҳақлидир:

- оддий (стандарт) канистраларда ташиладиган нефть маҳсулотлари, 20 литргача;
- озиқ-овқат спирти ва спиртли ичимликлар – якуний маҳсулотнинг 10 литри;
- 110 литр пиво;
- 90 литр вино, шу жумладан 60 литр жилваланадиган вино;
- 800 та сигарета;
- ҳар бирининг вазни 3 граммдан ошмайдиган 400 та сигарилла ва сигара;
- 200 та сигара.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА КИРМАЙДИГАН МАМЛАКАТЛАРДАН ТОВАРЛАР ОЛИБ КИРИШ

Божхона божлари ва солиқларини тўлашдан озод этиш. Нотижорат мақсадларда олиб кириладиган, уларнинг тури ва миқдорини ҳисобга олган ҳолда, уларни олиб ўтаётган шахс ёки унинг оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжлари учун мўлжалланган ёки қиймати 15 ёшдан катталар учун 175 евродан ва кўрсатилган ёшдан кичиклар учун 90 евродан ошмайдиган совға сифатида мўлжалланган товарларга татбиқ этилади.

Божхона тўловларини тўлашдан (юқорида кўрсатилган қиймат лимитларини ҳисобга олган ҳолда) миқдори қуйидаги квоталардан ошмайдиган товарлар озод этилади:

бир турдаги тамаки маҳсулотлари (танлаб): 200 та сигарета; 100 та сигарилла (сигара, ҳар бирининг вазни 3 граммдан ошмайди); 50 та сигара; 250 грамм чекиладиган тамаки; белгиланган квоталардан ошмайдиган суммада бир неча турдаги тамаки маҳсулотлари мажмуи;

бир турдаги алкоғолли ичимликлар (танлаб): этил спиртининг ҳажмдаги улуши 22%дан кўп бўлган спиртли ичимликлар, шунингдек ҳажмдаги улуши 80% ва ундан кўп бўлган денатурланмаган этил спирти – 1 литр; этил спиртининг ҳажмдаги улуши 22% дан кўп бўлмаган алкоғолли ичимликлар, шу жумладан вино асосидаги иштаҳани очадиган ичимликлар, арзон ром, сакэ ва бошқа худди шундай ичимликлар, шунингдек ликёр ва жилваланадиган винолар – 1 литр ёки белгиланган квоталардан ошмайдиган ушбу маҳсулотлар бир неча турининг мажмуи; жилваланадиган винолар – 2 литр.

Тамаки ва алкоғолли маҳсулотлар фақат 17 ёшдан катта шахслар олиб ўтганларига нисбатан божхона божлари ва солиқларини тўлашдан озод этилади.

Дори воситаларини бож тўламасдан олиб киришга шахс эҳтиёжларига жавоб берадиган миқдорда йўл қўйилади.

35% миқдоридидаги **божхона тўловининг қатъий белгиланган ставкаси** товарлардан нотижорат мақсадда фойдаланиш учун шахсий бағажда олиб кириладиган бир туркум учун 350 евродан ошмайдиган қийматдаги товарларга нисбатан қўлланилади.

Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенцияга (CITES) иловаларда кўрсатилган **ҳайвон-**



лар, ўсимликлар ва фойдали қазилмаларни олиб кириш CITESда белгиланган шартларга риоя этилганда ва тегишли битимлар мавжуд бўлганида мумкин.

Валюта бойликларини олиб кириш – олиб чиқиб кетиш. Европа Иттифоқида келувчи шахс божхона хизматчисига ЕИнинг ол қилиётган амалдаги қоғоз ва танга пуллари ёки бошқа валюталар, йўл чеклари, почта пул жўнатмалари, қимматли қоғозлар, шу жумладан исм ёзилган қимматли қоғозлар, шунингдек умумий қиймати 10 000 евродан ошадиган қиммат турадиган товарлар (масалан, қимматбаҳо металллар ва тошлар) тўғрисида ёзма равишда хабар қилишлари шарт.

Чиқиб кетиш чоғида саёҳатчи олиб чиқиб кетиладиган валюта, йўл чеклари, қимматли қоғозлар ва юқорида саналган, умумий қиймати 10 000 евродан ошмайдиган қиммат турадиган товарларни ёзма декларациялаши шарт.

Товарларни олиб чиқиб кетиш. Умумий қоидага кўра олиб чиқиб кетиладиган, нотижорат мақсаддаги товарлар учун божхона божлари ва солиқлари тўланмайди.

Маданий мерос объектлари (маданий бойликлар) – тарих, адабиёт, санъат ёки фан учун аҳамиятга эга бўлган, табиий ёки сунъий тарзда яратилган предметлар ёхуд ана шундай предметларнинг тўпламлари улар маданият ёдгорликлари ёки ана шундай ёдгорликларнинг таркибий қисми ҳисобланмаслигини тасдиқлайдиган сертификат асосидагина олиб чиқиб кетилиши мумкин. Хужжат расмий ташкилотлар (музей, галерея, институт) томонидан шахснинг илтимоси бўйича ва муайян тўловга берилади.

Чехия ҳудудида товар харид қилиш чоғида тўланган **қўшилган қиймат солиғи қопламаси** доимий яшаш жойи Европа Иттифоқидан ташқарида бўлган ва ушбу ҳолат паспорт ёхуд шахсни тасдиқлайдиган ҳамда Чехияда шундай ҳужжат деб тан олинмайдиган бошқа ҳужжатда акс эттирилган шахсга берилади, шунингдек бундай товарлар нотижорат мақсадларида харид қилинган бўлиши лозим.

Чехияда товарлар харид қилган ва уларни Европа Иттифоқи ҳудуди бўйлаб олиб ўтадиган, ЕИ иштирокчиси бўлган мамлакатларнинг фуқаролари ҚҚС қопланиши ҳуқуқига эга эмаслар.

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасида
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР молия вазирининг «Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**2009 ЙИЛДА САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР,
БУТЛОВЧИ БУЮМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 5-сон, 35-модда)

Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида, шунингдек Республика иккинчи саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси яқунларини ҳисобга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан республика хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2009 йилда саноат маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажмининг мақсадли параметрлари ва маҳаллийлаштириш даражаси 1-иловага* мувофиқ;

бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ўтувчи лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳалари рўйхати 2а-иловага* мувофиқ;

тайёр маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ўтувчи лойиҳалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

тайёр маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳалари рўйхати 3а-иловага* мувофиқ;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаш-

тиришга тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ.

2. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссиянинг янгиланган таркиби 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин, унга, маҳаллийлаштиришнинг белгиланган даражасини пасайтиришни истисно қилган ҳолда, Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. 2* ва 3*-иловаларга киритилган корхоналар 2011 йил 1 январгача:

четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, 2а* ва 3а*-иловаларга киритилган корхоналар учун ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар лойиҳалар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг, Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширили-

*1-4-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан «Норма» АХТда ва www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқиш мумкин.

**5-илова берилмайди.

шини таъминлаш бўйича Махсус комиссия қарорларига биноан 2012 йилнинг 1 январигача берилади.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ-3937-сонли Фармони 4-бандининг амал қилиши маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни харид қилиш учун тузиладиган шартномаларга татбиқ этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасига Махсус комиссиянинг таклифлари бўйича маҳаллийлаштириш лойиҳалари параметрлари ва рўйхатига, шунингдек 4-иловага* киритилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин. Бунда Маҳаллийлаштириш дастурига, биринчи навбатда, 4-иловада* акс эттирилган, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш давомида аниқланган талабга асосланиб, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқариш назарда тутилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар киритилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Низомда лойиҳаларни киритишнинг соддалаштирилган механизми, хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомалари ваколатли органлар ва Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилишининг аниқ муддатлари ва Маҳаллийлаштириш дастурига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниши назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, манфаатдор хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари корхоналар билан биргаликда:

уч ой муддатда ушбу қарорнинг 2а* ва 3а*-иловаларига киритилган лойиҳаларнинг паспортлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва Махсус комиссияга тақдим этилишини;

бир ой муддатда моддий ресурслар харид қилишга ва

белгиланган прогноз параметрлардан паст бўлмаган ҳолда маҳаллийлаштириладиган маҳсулот етказиб беришга буюртмалар портфели шакллантирилишини таъминласин.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи маҳаллийлаштириладиган маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар белгиланган тартибда рўйхатга олинишини таъминласин, натижалар тўғрисида Махсус комиссияга ҳар ойда маълумот бериб турсин.

8. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширувчи корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек корхоналарнинг ходимларини стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалалари бўйича белгиланган тартибда ўқитишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

саноат кооперацияси алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ва замонавий технологияларни жалб этишга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш борасидаги тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштирилиши тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати тўғрисида мунтазам ахборот бериб борилишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2008 – 2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь
ПҚ-1048-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 5-сон, 40-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва

вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) Навоий вилояти Кармана тумани «Дўстлик» агрофирмасининг 205 — 216; 381а — 388; 404 — 470 контурлардаги 500 гектар ер майдонларига жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Куйидагилар:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси Маъмурий кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилсин, кўшимча 3 нафар штат бирлиги ажратилсин, унга Маъмурий кенгаш ишчи органи функциялари юклансин;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг бошқарув ходимларининг дастлабки сони 5 нафар бўлган дирекцияси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисидаги Низомнинг амал қилиши самарадорлиги юзасидан мониторинг олиб борсинлар ҳамда зарур бўлганда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик фаолияти юритиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида тезкорлик билан таклифлар киритсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси:

Давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиладиган юридик шахс ҳисобланади;

«Навоий» ЭИИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджетининг бир қисми, харажатлар сметаси доирасида белгиланган тартибда ажратилган бюджет маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

«Навоий» ЭИИЗ хўжалик фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиши ва «Навоий» ЭИИЗнинг қатнашчилари бўлмаган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритади;

инвесторлар билан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига инвестиция киритиш, «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан ер участкалари ижараси юзасидан шартномалар тузади;

белгиланган тартибда танлаб олинган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилади, натижаларини кейинчалик Маъмурий кенгашга тақдим этади;

«Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасининг (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси деб аталади) муассиси этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

бир ҳафта муддатда — «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси тўғрисидаги низом лойиҳасини, унинг штатлар жадвалини ҳамда «Навоий» ЭИИЗ дирекциясини юқори малакали раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритсин;

икки ҳафта муддатда — Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда хорижий ва миллий валютада банк ҳисобрақамлари очирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг устав фондини республика бюджетидан молиялаштириладиган 2008 йилги Инвестиция дастури бўйича тежалган 4,89 млрд сўм миқдоридида шакллантирсин, уларни мақсадли равишда:

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ҳудуди атрофини периметр бўйича халқаро нормаларга мувофиқ тўсиқ билан ўрашга; ташқи муҳандислик коммуникациялари, шу жумладан

сув таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти ва канализация коммуникациялари келтиришга;

Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасида «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси таъминотига йўналтирсин.

8. Белгилансинки:

хизматлар кўрсатиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган даромадларнинг бир қисми Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган тартибда сарфланган бюджет маблағларини қоплашга йўналтирилади;

Е-40 трассасидан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудигача (2,2 км) тўрт полосали автомобиль йўли қурилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилади;

«Навоий» ЭИИЗ ташқи энергия таъминоти объектлари қурилиши «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

9. Куйидагилар:

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — тўсиқлар ва «Навоий» ЭИИЗ ҳудудигача муҳандислик коммуникациялари қурилиши бўйича буюртмачи этиб;

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Зарафшон қурилиш бошқармаси — «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди атрофига тўсиқлар қурилиши бўйича бош пудрат ташкилоти этиб;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ — «Навоий» ЭИИЗ, тўсиқлар, ташқи муҳандислик коммуникациялари бош режасини ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаштирувчи этиб белгилансин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖга ва Зарафшон қурилиш бошқармасига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни ва қурилиш-монтаж ишларини бир пайтда амалга оширишга:

«Навоий» ЭИИЗ ҳудуди атрофига тўсиқлар қурилиши бўйича 2009 йил 1 мартгача;

ташқи муҳандислик коммуникациялари қурилиши бўйича 2009 йил 1 июлгача рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ва ишлаб чиқирилиши устидан архитектура-эксперт кузатувини ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан давлат назоратини ўрнатсин.

11. Навоий вилояти ҳокимлиги «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида маъмурий бино фойдаланишга топширилгунгача бўлган давр учун «Навоий» ЭИИЗ дирекциясини Навоий шаҳрида хизмат бинолари билан таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь
21-сон.

*2-илова «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан «Норма» АХТда ва www.pogta.uz сайтидаги эркин қилинадиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқиш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисида Низом

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда — «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти ҳудудининг Кармана туманидаги 205 — 216; 381а — 388; 404 — 470 контурларга эга бўлган 500 гектарли ер участкасида жойлашган бир қисмидир. Бу ерда махсус ҳуқуқий режим, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган фуқароларнинг кириши, бўлиши ва чиқиб кетишининг, шунингдек меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома олишининг соддалаштирилган тартиби амал қилади;

«Навоий» ЭИИЗнинг Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда — Маъмурий кенгаш деб аталади) — Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан бошқариш функциясини амалга оширадиган, давлат органлари ва килларидан тузиладиган коллегиял орган;

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси (кейинги ўринларда — Дирекция деб аталади) — «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш учун ташкил этиладиган Давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс;

инвестор — Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган тартибда ўтказилган танловдан ўтган ҳамда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялашни амалга оширадиган инвестиция фаолияти субъекти;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) — Дирекция билан инвестор ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқлари, мажбурияти ва жавобгарлигини белгиладиган битим;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиси (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси деб аталади) — белгиланган тартибда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида рўйхатдан ўтказилган ва Дирекция томонидан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчилари реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект;

ижара шартномаси — Дирекция билан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида фаолиятни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ер участкаси, бинолар ва иншоотлар ижараси тўғрисидаги шартнома;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолият — «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди доирасида инвестициялаш тўғрисидаги битимда назарда тутилган товарлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, шунингдек уларни сотиш бўйича хўжалик фаолияти.

3. Замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техникани, технология линиялари ва модуллари, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардошли маҳсулотларнинг кенг доирасини ишлаб чиқариш «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади.

4. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида давлат органларининг фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қўлланилиши «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий» эркин индуст-

риал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармонида ва уни ижро этиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ушбу Низомда, инвестициялаш тўғрисидаги халқаро шартномалар ва битимларда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

5. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида архитектура ва шаҳарсозлик фаолияти қуришнинг дастлабки режасига ёки «Навоий» ЭИИЗ Бош режасига мувофиқ амалга оширилади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилади.

6. «Навоий» ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 (ўттиз) йилни ташкил этади. Ушбу муддат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан узайтирилиши мумкин.

7. «Навоий» ЭИИЗ ташкил этилган ҳудуд «Навоий» ЭИИЗ мавжуд бўлишининг бутун даврида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади.

II. «Навоий» ЭИИЗни БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ

8. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш функцияси Маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгаш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

9. Маъмурий кенгаш қуйидаги функцияларни амалга оширади:

«Навоий» ЭИИЗда жойлаштириш учун инвесторларни танлайди, инвестициялаш тўғрисидаги битимларнинг асосий шартларини белгилайди;

«Навоий» ЭИИЗ фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ер участкаларини, шунингдек давлат мулки бўлган бинолар ва иншоотлар ижараси қийматини белгилайди;

марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган «Навоий» ЭИИЗ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қурилиши лойиҳаларини тасдиқлайди;

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси директорини тайинлайди, «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва уни назорат қилади, шунингдек «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети ва Ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб боради;

қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битимларни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

10. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш юридик шахс мақоми билан Давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиладиган Дирекция томонидан амалга оширилади. Дирекциянинг устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси:

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказди ва уларнинг реестрини юритади, уларга тегишли гувоҳномалар беради;

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмаган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини олиб боради;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ер участкаларини субижарага топшириш, ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга бе-

риш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида бошқаради;

инвесторлар томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар зарур тарзда бажарилишини назорат қилади;

Маъмурий кенгашнинг қарори асосида қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битимларни бекор қилиш тўғрисида даъво аризалари билан судга мурожаат қилади;

«Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни бажаради.

12. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ҳар йили тегишли молиявий йил учун «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Маъмурий кенгашга тақдим этади.

«Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети:

кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маъмурий кенгашнинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

13. Маъмурий кенгаш «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети доирасида «Навоий» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Жамғарма маблағлари «Навоий» ЭИИЗ инфратузилмасини ривожлантиришга ва унинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишга йўналтирилади.

Жамғармани шакллантириш манбалари ва ундан фойдаланиш тартиби Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган «Навоий» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

14. «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети маблағларидан:

«Навоий» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармасини ташкил этишда;

белгиланган тартибда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси таъминотида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон Фармони бажаришга йўналтирилган бошқа вазифалар амалга оширилишини молиялаштиришда фойдаланилади.

15. Дирекциянинг штат жадвали ва харажатлари сметаси Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланади.

III. «Навоий» ЭИИЗ ҲУДУДИДА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

16. Хўжалик юритувчи субъектларга ер участкалари бериш дастлабки қурилиш режасига ёки «Навоий» ЭИИЗнинг Бош режасига мувофиқ шартнома асосида Дирекция томонидан амалга оширилади.

Ер участкалари учун ижара тўлови Маъмурий кенгаш томонидан белгиланади ва ижара шартномаси шартларида алоҳида қайд этилади.

17. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига бериладиган гувоҳнома унинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолиятига нисбатан алоҳида ҳуқуқий режим қўлланилишига, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режими қўлланилишига ҳуқуқларининг тасдиғи ҳисобланади.

18. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолиятга тегишли қисми юзасидан инвестициялаш тўғрисидаги тегишли битимда мустақамланган

мажбуриятлар юкланади.

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси инвестициялаш тўғрисидаги битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга беришга ҳақли эмас.

19. Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва устунликлар фақат Дирекция билан тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битимда назарда тутилган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси фаолияти турларига жорий этилади.

20. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмаган хўжалик юритувчи субъектлар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқига эга.

21. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикасида «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан ташқарида ўз филиалларини ташкил этишига йўл қўйилмайди.

22. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этишга фақат суд тартибида йўл қўйилади.

23. «Навоий» ЭИИЗ соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларига ва инвестициялаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ ҳал этилади.

IV. «Навоий» ЭИИЗНИНГ МАХСУС ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ

24. Махсус ҳуқуқий режимнинг, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режимининг амал қилиши фақат қатнашчиларнинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятига татбиқ этилади.

25. Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва устунликларнинг амал қилиш муддати хўжалик юритувчи субъект «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритилган санадан бошлаб ҳисобланади.

26. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириладиган, олиб чиқиладиган, сақланадиган, тайёрланадиган, қайта ишланадиган, сотиб олинган ва сотиладиган товарларнинг ҳисобини юритишга ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органларига ушбу товарлар юзасидан ҳисобот тақдим этишга мажбур.

27. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг танлаши бўйича амалга оширилади.

28. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида мавжуд бўлган божхона режими остида жойлашган товарлар билан содир этиладиган тақиқланган операциялар ва уларга нисбатан махсус божхона режими татбиқ этилмайдиган товарлар рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланади.

29. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

30. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, чиқиши, бўлиши ва меҳнатга ёлланиши тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

31. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг бошқа соҳалардаги фаолиятини тартибга солиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

V. «Навоий» ЭИИЗ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

32. «Навоий» ЭИИЗ фаолияти у ташкил этилган муддат тамом бўлгандан кейин тўхтатилиши мумкин.

33. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятининг муддатидан олдин тўхтатилишига Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш зарур бўлганда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда йўл қўйилади.

34. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

**БИЗНЕС СОҲАСИ УЧУН СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ ЯГОНА
ТАЛАБЛАРИ ВА СТАНДАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1891.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 5-сон, 47-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низом

***2009 йил 7 февралдан кучга киради.**

иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 26 декабрь
120-сон.

Молия вазирининг
2008 йил 26 декабрдаги 120-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**БИЗНЕС СОҲАСИ УЧУН СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ
ЯГОНА ТАЛАБЛАРИ ВА СТАНДАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) мувофиқ бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартларини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом мақсадларида бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатиш деганда тадбиркорлик хавфларини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта химоясини тақдим этиш тушунилади.

2. Мазкур Низом билан белгиланган ягона талаблар бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини тақдим этаётган суғурталовчилар учун мажбурийдир.

3. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари стандарт тушунчалар ва суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандарт шартларидан иборатдир. Суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари, агар қонун ҳужжатларида ёки суғурта шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатишда қўлланилади.

**II. БИЗНЕС СОҲАСИ УЧУН СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ
КЎРСАТИШНИНГ ЯГОНА ТАЛАБЛАРИ**

4. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчи истеъмоличига (тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномасини тузмокчи бўлган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорга) қуйидагилар ҳақида ҳаққоний ва тўлиқ ахборотни тақдим этиши шарт:

а) суғурталовчи ҳақида (ошкора ахборотни);

б) суғурталовчи номидан ва топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган суғурта воситачилари (суғурта агентлари) ҳақида (агар истеъмолични томонидан бундай талаб мавжуд бўлган тақдирда);

в) суғурта хизмати, яъни унинг нархи (суғурта мукофоти), қопламаси, шартлари, хизматнинг мақсадлари, таваккалчилик омиллари, кафолатлар, махсус истиснолари ва ҳ.к. ҳақида;

г) суғурта хизматининг истеъмолични учун афзалликлари ва камчиликлари ҳақида;

д) суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари ҳақида;

е) суғурта мукофотлари (бадаллари) ва маблағларнинг кутилаётган қайтарилиши ҳақида (қўлланилиши мумкин бўлганда);

ж) суғурта даъволарини ҳал этиш тартиби ва суғурта шартномасининг бошқа шартлари ҳақида.

Суғурталовчи тақдим этаётган ахборот барча муҳим шартлар (позициялар) бўйича аниқ ва равшан, янглиштирмайдиган, осон тушуниладиган ва ёзма шаклда ёки тегишли электрон ташувчиларда бўлиши шарт.

5. Суғурталовчи:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган суғурта хизматлари ва тақдим этиши;

суғурта хизматларини, ҳатто улар амалга оширилишининг ўзига хос шартларига эга бўлган ҳолатларда ҳам, мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ кўрсатиши;

ўз ходимларининг барча ишларини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаши;

кўрсатилаётган хизматлар ҳақида тўлиқ маълумот, шунингдек суғурта шартларидаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ахборот тақдим этиши;

истеъмоличининг талабларига айнан мос келувчи суғурта хизматларини танлашга ёрдам бериши;

суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта товонини ўз вақтида тўланишини таъминлаши;

ўз ишидаги хатоларни сўзсиз тузатиши ҳамда суғурта қилдирувчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиши шарт.

6. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 929-моддасида назарда тутилган суғурта шартномасининг муҳим шартлари бўйича келишувга эришилиши ҳамда улар суғурта шартномасида аниқ ва равшан баён этилиши шарт.

7. Суғурта шартномаси янглиштирувчи тасвирловчи ҳаракатлар ёки таърифлардан ҳоли бўлиши шарт. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчи қонун ҳужжатларида ва/ёки умумқабул қилинган амалиётда назарда тутилган суғурта қилдирувчи олдидаги қайсидир мажбуриятини ёки жавобгарлигини истисно қилиш ёки чеклашга интилиб, қайсидир меъёрни асоссиз равишда далил қилиб кўрсатишга ҳақли эмас.

8. Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қайси-

дир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

9. Суғурталовчилар суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тизимини яратишлари ва қўллаб-қувватлашлари шарт. Суғурталовчилар суғурта даъволарини ўз вақтида ва одилона ҳал этишлари шарт. Суғурта даъволарини самарали ва тез ҳал этиш мумкин бўлган суғурта даъволарини ва низоларни ҳал этишнинг содда ва объектив жараёни мавжуд бўлиши лозим. Ушбу жараён аниқ ва осон тушуниладиган бўлиши лозим.

Суғурталовчи суғурта даъволарини кўриб чиқишнинг муқобил механизми сифатида ўзидан мустақил бўлган ташкилотга (масалан, Ассистанс хизмати ёки аджастерларга) мурожаат қилишга ҳақли.

10. Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган воқеа содир бўлганлиги тўғрисида хабарни ва ушбу воқеага алоқадор ҳужжатларни олгандан кейин уч банк куни бўлган муддатдан кечиктирмай етказилган зарарларнинг сабаблари ва миқдорларини аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган қўшимча ҳужжатларни сўрашга ҳақли.

11. Агар суғурталовчи воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олса, у суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузиши, унда суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига тўлаши лозим бўлган суғурта товонининг миқдорини кўрсатиши ва суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома тузилган кундан бошлаб беш банк куни бўлган муддатдан кечиктирмай суғурта товонини тўлаши шарт.

Воқеа суғурта ҳодисаси деб тан олинмаса, суғурта қилдирувчи зарарларни қоплаш талаби билан мурожаат этган кундан бошлаб ўн беш кун бўлган муддатдан кечиктирмай суғурталовчи суғурта қилдирувчига рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган хабарномани йўллаши шарт.

III. БИЗНЕС СОҲАСИ УЧУН СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ СТАНДАРТЛАРИ

12. Суғурта шартномалари ва бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ҳужжат айланмасида (иш хатларида, зарарларни ҳал этиш ҳужжатларида ва ш. к.) фойдаланиладиган асосий атама-лар ва таърифларнинг турлича талқин этилишини олдини олиш мақсадида, қуйидаги стандарт тушунчалар қўлланилади:

айланма — суғурта қилдирувчи томонидан сотилган ва етказиб берилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун суғурта қилдирувчига тўланилаётган (сийловлар чегирилган ҳолда) ва тўланган пул маблағлари;

бизнеснинг тўхташи — суғурта қилдирувчининг одатдаги фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган ташқи ва ички омиллар билан боғлиқ равишда тадбиркорлик фаолиятининг тўхташи;

жорий харажатлар — суғурталовчи фаолиятнинг тўхташи даврида суғурта қилдирувчининг муқаррар равишда давом этаётган харажатлари;

контрагент — суғурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатларга кирувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

контракт — суғурта қилдирувчи ва контрагент ўртасида ҳақ эвазига тузилган товарларнинг олди-сотди (хизматлар кўрсатиш, иш бажариш) шартномаси;

кутиш даври — контрактда кўрсатилган тўлов санасидан бошлаб ҳисобланадиган, суғурта шартномасида келишилган воқеа натижасида содир бўлган зарарни қоплашгача ўтиши лозим бўлган кетма-кет календарь кунлари сони;

суғурта шартномаси — ёзма келишув бўлиб, унга кўра суғурталовчи келишувда шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига келишувда назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади;

суғурталовчи фаолият — маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва (ёки) истеъмолчиларга товар сотиш бўйича суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта қилдирувчининг хўжалик фаолияти (бизнеси);

суғурталовчи жавобгарлигининг лимити — суғурта шартномасида белгиланадиган пул миқдори бўлиб, унинг чегарасида ҳар бир алоҳида ёки барча суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонининг миқдори белгиланади;

суғурта даври — суғурталовчи суғурта шартномаси амалда бўлган даврда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган давр;

суғурталовчи — умумий суғурта соҳасининг тегишли класслари бўйича суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбуриятини оловчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

суғурта қилдирувчи — суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган, суғурта шартномасида келишилган суғурта мукофотини (суғурта тўловини) тўловчи ва суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига кирувчи ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

суғурта полиси — суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ва суғурта қилдирувчига у суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлагандан кейин берилладиган ҳужжат;

суғурта суммаси — суғурта қилдирувчи ва суғурталовчининг келишувига мувофиқ белгиланадиган пул маблағлари миқдори бўлиб, суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ундан ошмаган миқдорда тўлаш мажбуриятини олади;

суғурта ҳодисаси — суғурта шартномасида кўрсатилган ва у содир бўлиши билан суғурталовчининг суғурта қилдирувчига суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбурияти келиб чиқадиган юз берган воқеа;

суғурта мукофоти — суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи;

суғурта товони — суғурталовчи суғурта шартномасида келишилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчи кўрган зарарларини суғурта суммасидан ошмаган миқдорда тўлайдиган пул маблағлари миқдори;

стандарт айланма — зарар кўришдан бевосита аввалги ўн икки ойга тенг қоплама тўлашнинг энг кўп даврига тўғри келадиган маблағлар айланмаси;

суғурта худуди — суғурта амалда бўладиган худуд. Суғурта шартномаси суғурта худудида содир бўлган ҳодисаларга нисбатан амалда бўлади;

тегишли равишда товарларни жўнатиш (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш) — контрактнинг шартлари ва муддатларига мувофиқ контрагентга товарларни жўнатиш (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш), бунда:

а) жўнатилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) контрагент томонидан контракт шартлари ва муддатларига мувофиқ қабул қилиб олинган;

б) товарлар (хизматлар, ишлар) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда жўнатилган (кўрсатилган, бажарилган);

в) товарлар (хизматлар, ишлар) контракт валютасига сотилган (кўрсатилган, бажарилган);

тадбиркорлик хавфи — тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан

кутилган даромадларни ололмаслик хавфи;

Фойданинг йўқотилиши — суғурта қилдирувчи суғурталанган фаолиятидан бизнеси тўхташи даврида олиши мумкин бўлган фойда;

Франшиза — суғурта шартномасида назарда тутилган, суғурталовчи томонидан қопланмайдиган суғурта қилдирувчи зарарларининг бир қисми. Франшиза ҳам суғурта суммасидан фоизлар кўринишида, ҳам аниқ суммада ўрнатилиши, ҳамда шартли ва шартсиз бўлиши мумкин. Шартли франшиза ўрнатилганда, суғурталовчи франшиза миқдоридан кўп бўлмаган зарар учун жавобгарликдан озод бўлади. Шартсиз франшиза ўрнатилганда эса, суғурталовчининг жавобгарлиги зарардан франшиза миқдорини чегириб қолган ҳолда аниқланади.

Шунингдек, суғурта шартномаларида вақт кўринишидаги франшиза (вақт франшизаси), яъни зарар содир бўлган пайтдан бошланиб, белгиланган вақт ўтиши билан тугайдиган вақт оралиғи ўрнатилиши ҳам мумкинки, бу вақт оралиғи давомида кўрилган зарарлар қопланмайди.

13. Суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ёзма аризаси асосида тузилади:

а) суғурта қилдирувчи фаолиятининг қонунийлигини белгилайдиган ҳужжатлар (ушбу турдаги фаолият билан шуғулланиш учун рухсатнома, лицензия ва б.);

б) суғурта ҳимояси сўралаётган контракт (шартнома, битим) нусхаси (зарурат бўлганда);

в) суғурталовчига таваккалчилик даражасини баҳолашга имкон берувчи бошқа ҳужжатлар.

Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатлар асосида суғурта шартномасини тузиш имконияти тўғрисидаги қарор қабул қилади. Суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан хабар қилинган, суғурта шартномасига алоқадор маълумотларни текширишга ҳақли. Хусусан, суғурталовчи ёки унинг вакиллари суғурта қилдирувчининг контрагенти билан контракт муносабатларига алоқадор ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномаси тузилгандан сўнг ариза унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

14. Бир йил давомида амалда бўладиган бир нечта (қатор) контрактларга нисбатан Бош суғурта шартномасини тузишда суғурта мукофотларини тегишли контрактлар суғурталашга қабул қилиниши билан тўлашга йўл қўйилади. Бош суғурта шартномаси қуйидаги шартларга амал қилинганда тузилиши мумкин:

а) контрактлар бир хил турда бўлиши лозим (савдосотиб олиш ёки воситачилик ёки ш. к.);

б) контрагентлар таркиби Бош суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда доимий бўлиши ва уни тузишдан олдин суғурталовчига маълум бўлиши лозим.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи Бош суғурта шартномасининг таъсир доирасида бўладиган алоҳида контрактлар бўйича суғурта полисларини бериши шарт. Суғурта полисининг мазмуни Бош суғурта шартномасига номувофиқ бўлган тақдирда, суғурта полиси афзал кўрилади.

15. Таваккалчилик даражаси ўзгарганда қопланаётган таваккалчиликларнинг тавсифидан келиб чиқиб, суғурталовчи махсус ишлаб чиқилган тарифларни қўллашга ҳақли.

16. Суғурталовчидан суғурта товони талаб этилганда суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини ва зарарнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини, ёки бошқа далилларни (контракт, юк ҳужжатлари, ҳисоб-фактуралар, тўлов ҳужжатлари, суғурта қилдирувчи ва дебитор ўртасидаги ёзишмаларни, ушбу зарарга тегишли бошқа ҳужжатларни) ҳамда воқеанинг содир бўлиш сабабларидан келиб чиқиб бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

17. Суғурта товонининг миқдорини аниқлашда аризада кўрсатилган даромадни олиш учун суғурта қилдирувчи кўрган чора-тадбирлари ва шу мақсадда амалга оширган тайёргарликларини тасдиқловчи ҳужжатлар суғурталовчи томонидан инобатга олинади ва ўрганиб чиқилади (суғурта қилдирувчи томонидан товарлар, ускуналар (қарздордан бутловчи қисмларни олишни ҳисобга олган ҳолда) ва ш. к. етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган шартномалари (контрактлари), янги ускуналарни ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб борилиши ва бошқа шу каби далиллар).

18. Агар суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, суғурталовчи суғурта қилдирувчидан тушунтиришлар ва тегишли қўшимча ҳужжатларни (бухгалтерия, банк ҳужжатларини ва б.), шу жумладан далолатномалар ҳамда аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларнинг хулосаларини сўрашга, зарур ҳолларда эса, содир бўлган воқеанинг тафсилотлари, суғурта қилдирувчининг ололмаган даромадларни (йўқотиш) сабаблари ва миқдорини эксперт баҳолаш учун мутахассисларни (экспертларни) жалб қилишга, шунингдек содир бўлган воқеанинг тафсилотларини ва зарарнинг миқдорини аниқлаш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

19. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда тегишли равишда жўнатилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун суғурталовчи томонидан зарарни қоплаш бўйича талаблар зарар юз берган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида қабул қилинади.

20. Суғурта қилдирувчи зарарни келтириб чиқарган воқеанинг содир бўлганлиги ҳақида хабар қилганда, суғурталовчи суғурта даъвосини кўриб чиқиш ва содир бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва тафсилотларини батафсил ўрганиб чиқиш учун ўз ходимини ёки бошқа шахсни юборишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчининг вакилига содир бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва тафсилотларини ўрганиб чиқиш имкониятини таъминлаши ёки зарарни келтириб чиқарган воқеа содир бўлганлигини тасдиқловчи видео-, фотоматериалларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

21. Суғурта ҳодисасининг содир бўлиши муносабати билан жиноий иш, фуқаролик суд иши ёки маъмурий жазолаш қўллаш ҳақида иш қўзғатилган бўлса, суғурталовчи тегишли суммаларни тўлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишини мутасадди идоралар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар кечиктиришга ҳақли.

22. Содир бўлган воқеа, зарарлар ҳажми ва суғурта товони миқдори бўйича томонлар ўртасида келишмовчиликлар бўлмаса, суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдори кўрсатилган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани (суғурта далолатномасини) тузади.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

23. Томонлар суғурта шартномаси ёки томонларнинг молиявий аҳволига тегишли маълумотларни нашр этиш, бошқа усул билан учинчи шахсларга ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

24. Суғурта шартномасини тузиш ва ижро этиш жараёнида юзага келадиган барча баҳс ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилиши, келишувга эришилмаган тақдирда эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилиши лозим.

25. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА
ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 1906

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, ЎзР «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.

Давлат солиқ кўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.

Тошкент ш., 2009 йил, 5 февраль.

*2009 йил 27 февралдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ кўмитасининг 2009 йил 5 февраль 16, 2009-8 – сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯГОНА
ИЖТИМОЙ ТЎЛОВНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ВАҚТИНЧАЛИК
НИЗОМ**

Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг (кейинги ўринларда ЯИТ деб аталади) базавий миқдори киритилиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ЯИТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низом қонун ҳужжатларига мувофиқ, ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларга, бюджет ташкилотларига ҳамда нотижорат ташкилотларига татбиқ этилмайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб ЯИТ тўловчилари ЯИТни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда 24 фоизли ставка бўйича, бироқ:

– ҳар бир ходим учун ойига бир минимал иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, фермер хўжаликлари бундан мустасно;

– фермер хўжаликлари ҳар бир ходими учун ойига минимал иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ЯИТ ҳисоблашади.

Ҳисоблаб чиқарилган ЯИТ суммаси фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ чегириб ташланади, бундан ушбу Вақтинчалик низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолат мустасно.

2. Ушбу Вақтинчалик низомни қўллаш мақсадида ходимларга меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлаётган жисмоний шахслар киради.

**II. ЯИТ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ
ВА ТЎЛАШ УЧУН ЯИТНИНГ
БАЗАВИЙ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ**

3. ЯИТ тўловчилари ҳисобот ойида ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларидан ва ушбу Вақтинчалик низомнинг 1-бандида белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда жами корхона бўйича ЯИТнинг базавий миқдорини аниқлайдилар.

4. ЯИТнинг базавий миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$БР_{\text{яит}} = K/n * N,$$

бу ерда: $БР_{\text{яит}}$ – ЯИТнинг бир ой учун базавий миқдори;
 K – бир ойда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари (бир кунда ишлаган соатларидан қатъий назар) сони, бироқ корхонада ўрнатилган иш кунлари сонидан ортмаган ҳолда. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларига, шунингдек, йиллик меҳнат таътилларига ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътиларга тўғри келадиган кунлар ҳам таалукдир. Бир ойда ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларини ҳисоблаб чиқаришда қуйидагиларнинг ишлаган кунлари киритилмайди:

пасайтирилган ставкалар бўйича ЯИТ ҳисоблаб чиқариладиган ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронларнинг иш кунлари;

касаначиларнинг иш кунлари (ЯИТ бўйича имтиёз муддати тугагунга қадар);

фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлар бажараётган (хизматлар кўрсатаётган) яқка тартибдаги тадбиркорларнинг иш кунлари.

n – корхонада белгиланган бир ойдаги иш кунлари сони;

N – бир ходим учун бир ойда ЯИТ нормативи (бир минимал иш ҳақи, фермер хўжаликлар учун эса белгиланган минимал иш ҳақининг 50 фоизи). Агар минимал иш

ҳақининг миқдори ойнинг 1-кунда ўзгармаса, у ҳолда ой учун минимал иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори қўлланилади.

5. ЯИТнинг базавий миқдори ҳар ой ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисобот даври учун ЯИТнинг базавий миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобот даврининг ҳар бир ойи учун ЯИТнинг базавий миқдорлари қўшиб чиқилади.

6. Агар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кам бўлса, у ҳолда тўланиши лозим бўлган ягона ижтимоий тўлов ЯИТнинг базавий миқдори суммасига тенг.

7. Агар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ ҳақиқий суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кўп ёки унга тенг бўлса, у ҳолда ЯИТ ҳақиқатда ҳисобланган сумма миқдоридан тўланиши керак.

III. ЯИТнинг базавий миқдорини солиқ ҳисоботида акс эттириш тартиби

8. Тўловчилар, фермер хўжаликлари бундан мустасно, ЯИТ ҳисоб-китобига Маълумотнома-ЯИТнинг базавий миқдори ҳисоб-китобини ушбу Вақтинчалик низомнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган шаклда тақдим этишади. Фермер хўжаликлари, улар микрофирма, кичик корхона бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, чорак учун ЯИТнинг ҳисоб-китобига Маълумотнома-ЯИТнинг базавий миқдори ҳисоб-китобини ушбу Вақтинчалик низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда тақдим этишади.

9. Ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалари бўйича солиқ ҳисоботи шаклида, тақдим этиладиган Маълумотнома-Ҳисоб-китобдан келиб чиқиб, ЯИТ ҳисоб-китоби шаклига куйидаги сатрлар киритилади:

«051» – ҳисобот даври учун ЯИТнинг базавий миқдори. Ушбу сатр фақат 3-устуни бўйича тўлдирилади;
«052» – Ҳисобот даврида тўланиши лозим.

Агар ЯИТ ҳисоб-китоби 3-устунининг «050»-сатри 3-устунининг «051»-сатридан катта ёки тенг бўлса, у ҳолда 3-устуннинг «052»-сатрида «050»-сатридаги ЯИТ суммаси кўрсатилади;

агар 3-устуннинг «050»-сатридаги сумма 3-устуннинг «051»-сатридаги суммадан кичик бўлса, у ҳолда 3-устуннинг «052»-сатрида 3-устуннинг «051»-сатридаги сумма кўрсатилади.

4-устуннинг «052»-сатрига 4-устуннинг «050»-сатридаги сумма кўчириб ўтказилади.

«060»-сатрга ЯИТнинг аввалги ҳисоб-китобининг «052»-сатридаги суммаси кўчириб ўтказилади.

10. ЯИТнинг базавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда ЯИТни ҳисоб-китобининг шартли мисоллари ушбу Вақтинчалик низомнинг 3-иловасида келтирилган.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11. Тўловчилар ушбу Вақтинчалик низомнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ЯИТни ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилигига ва амалдаги қонун-ҳужжатларига мувофиқ уни ўз вақтида тўлашга жавобгардирлар.

12. Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ЯИТни тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назоратни амалга оширадилар.

13. Ушбу Вақтинчалик низомда назарда тутилган ЯИТни ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби бузилган ҳоллари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ЯИТнинг базавий миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисоблаган ҳолда, ЯИТни қўшимча ҳисоблайдилар. Бунда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси тўловчи ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан ундирилади ва фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди.

14. Ушбу Вақтинчалик низом 2010 йил 1 январгача амал қилади.

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга 1-ИЛОВА

МАЪЛУМОТНОМА-ЯИТнинг БАЗАВИЙ МИҚДОРИ ҲИСОБ-КИТОБИ (хўжалик юритувчи субъектлар учун ЯИТ ҳисоб-китобига илова қилинади, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
Ҳисобот ойда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари	010	
Ҳисобот ойда иш кунлари сони	020	
Ҳисобот ойда бир ходим учун ЯИТ нормативи	030	
Ҳисобот ойда ЯИТнинг базавий миқдори (010-сатр/020-сатр x 030-сатр)	040	
Аввалги ҳисобот даври охиридаги ЯИТнинг базавий миқдори (аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома-Ҳисоб-китобининг 060-сатри)	050	
Ҳисобот даври охирида ЯИТнинг базавий миқдори (040-сатр + 050-сатр)	060*	

*) Мазкур сатрдаги сумма ЯИТ ҳисоб-китоби 3-устунининг «051»-сатрига кўчириб ўтказилади.

Раҳбар

(имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

М.Ў.

**МАЪЛУМОТНОМА-ЯИТнинг
БАЗАВИЙ МИҚДОРИ ҲИСОБ-КИТОБИ**
(микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯИТ ҳисоб-китобиغا илова қилинади)

Кўрсаткичлар 1	Сатр коди 2	Сумма 3
Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари	010	x
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	
Ҳисобот даврида иш кунлари сони	020	x
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	
ЯИТ нормативи:	030	x
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	
ЯИТнинг базавий миқдори (0401-сатр+0402-сатр+0403-сатр):	040	
чоракнинг биринчи ойи учун (0101-сатр/0201-сатр x 0301-сатр)	0401	
чоракнинг иккинчи ойи учун (0102-сатр /0202-сатр x 0302-сатр)	0402	
чоракнинг учинчи ойи учун (0103-сатр /0203-сатр x 0303-сатр)	0403	
Аввалги ҳисобот даври охиридаги ЯИТнинг базавий миқдори (аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома-Ҳисоб-китобнинг 060-сатри)	050	
Ҳисобот даври охирида ЯИТнинг базавий миқдори (040-сатр + 050-сатр)	060*	

*) Мазкур сатрдаги сумма ЯИТ ҳисоб-китоби 3-устунининг «051»-сатрига кўчириб ўтказилади.

Раҳбар _____

(имзо)

Бош бухгалтер _____

(имзо)

М.Ў.

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
3-ИЛОВА

**ЯИТнинг базавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда ЯИТ ҳисоб-китобининг
ШАРТЛИ МИСОЛЛАРИ**

1-мисол. Савдо корхонасида 8 киши ишлайди. Корхонада 5 кунлик иш куни белгиланган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан аниқланадиган Иш вақти ҳисоб-китобиغا мувофиқ 2009 йил январидан 5 кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони 21 кунни ташкил этади. 2009 йил январь ойи учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори 28 040 сўмни ташкил этади. Январь учун қуйидаги иш ҳақи ҳисобланди:

Ходимлар	Ҳақиқатда ишлаган кунлар	Ҳисобланган иш ҳақи (сўм)
1-ходим	21	400 000
2-ходим	21	300 000
3-ходим	11	250 000
4-ходим	21	200 000
5-ходим	14	80 000
6-ходим	15	90 000
7-ходим	21	30 000

Ходимлар	Ҳақиқатда ишлаган кунлар	Ҳисобланган иш ҳақи (сўм)
8-ходим	21	40 000
Иш ҳақи фонди		1 390 000
ЯИТ суммаси (иш ҳақи фондидан 24%)		333 600

Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларининг умумий сони: $K=21+21+11+21+14+15+21+21=145$.

Белгиланган формулага асосан ЯИТнинг базавий миқдори ($БР_{\text{яит}}$) = $145/21 * 28\ 040$ сўм = 193 610 сўмни ташкил этади.

Ҳақиқатда ҳисобланган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан катта бўлганлиги учун (333 600 сўм > 193 610 сўм), ЯИТ ҳисоб-китобининг «Ҳисобот даврида тўланиши лозим» сатрида 333 600 сўм кўрсатилади.

2-мисол. Ишлаб чиқариш корхонасида 9 киши ишлайди. Корхонада 6 кунлик иш куни белгиланган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан аниқланадиган Иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ 2009 йил январидан 6 кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони 26 кунни ташкил этади. Январь учун қуйидаги иш ҳақи ҳисобланди:

Ходимлар	Ҳақиқатда ишлаган кунлар	Ҳисобланган иш ҳақи (сўм)
1-ходим	26	150 000
2-ходим	15	90 000
3-ходим	26	90 000
4-ходим	16	65 000
5-ходим	26	80 000
6-ходим	11	40 000
7-ходим	15	50 000
8-ходим	26	50 000
9-ходим	26	60 000
Иш ҳақи фонди		675 000
ЯИТ суммаси (иш ҳақи фондидан 24%)		162 000

Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларининг умумий сони:

$$K=26+15+26+16+26+11+15+26+26=187.$$

Белгиланган формулага асосан ЯИТнинг базавий миқдори ($БР_{\text{яит}}$) = $187/26 * 28\ 040$ сўм = 201 672 сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб, ҳақиқатда ҳисобланган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кичик бўлганлиги учун (162 000 сўм < 201 672 сўм), ЯИТ ҳисоб-китобининг «Ҳисобот даврида тўланиши лозим» сатрида 201 672 сўм кўрсатилади.

Изоҳ: Агар солиқ тўловчида сменали иш режими бўлса, у ҳолда корхонада белгиланган иш кунлари: 8 соатли иш кунини 5 кунлик иш ҳафтаси сифатида, 7 соатлик иш кунини 6 кунлик иш ҳафтаси сифатида ҳисобланади.

Диққат! Сиз вақтингизни тежашни хоҳлайсизми?
Ортиқча харажатларга ҳам чек қўймоқчимисиз?

У ҳолда Давлат солиқ кўмитаси таклиф этаётган

«Интерактив хизмат кўрсатиш» тизимидан фойдаланинг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази.

Тизимнинг имкониятлари:

- солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
- шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш;
- тегишли давр учун текшириш режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи орган ҳақида маълумот олиш.

Тизимдан фойдаланиш учун Интернет тармоғида **soliq.uz** ёки **hisobot.soliq.uz** сайтининг «Интерактив хизматлар» саҳифасига кирилади.

Ушбу саҳифага кириш ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо калити ўзингиз рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясидан олинади.

Маълумотлар учун телефон: **244-97-64, 244-97-66.**

ИШЧАН МАМЛАКАТЛАР

Forbes журнали Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотларига асосланиб, жаҳондаги энг ишчан ўттиз мамлакат рўйхатини тузди. Рўйхатни тайёрлашда мамлакат меҳнатқашларининг ишга сарфлаётган соатлари миқдори инобатга олинди. Кореяликлар энг ишчан эканлиги маълум бўлди, улар йилнинг чорак қисмини хизматда ўтказар эканлар. Голландия аҳолиси бу борада энг «танбал» бўлиб чиқди, голландлар йилнинг ним чорак қисмини ишга бахшида қилар экан, холос.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг йиллик статистика маълумотлари тўпламида бошқа ахборотлар қатори мазкур Ташкилотга аъзо у ёки бу мамлакат аҳолиси ишга сарфлайдиган соатлар миқдорига оид маълумотлар ҳам келтирилган. Forbes журнали

ана шу маълумотларга асосланиб, жаҳондаги энг ишчан мамлакатлар рейтингини чиқарди.

Рейтингда корейликлар биринчи ўринни олдилар, уларнинг ҳар бири йил мобайнида ишга 2 357 соат сарф қилган. Таъкидлаш жоизки, бу мамлакат жон

бошига иш соатлари миқдори бўйича 1 980 йилдан, яъни Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти таркибига киритилган вақтдан эътиборан пешқадамлик мавқеини қўлдан бермай келмоқда. Жанубий Кореяда беш кунлик иш ҳафтаси жорий этилиб, меҳнат таътили тўрт ҳафтани, дам олиш кунлари эса ўн

тўрт ҳафтани ташкил этиши эътиборга олинса, бу диёрда йилига 241 кун ишланиши маълум бўлади. Шундай қилиб, мамлакатда ўртача иш куни муддати 9,7 соатни ташкил этади.

Ишчанлик бобида греклар корейликлар ортидан қорам-қора бормоқда – грекларнинг ҳар бири 2 052 соатни ишга сарфламоқда. Чехлар йилига ўрта ҳисобда 1 997 соат ишлаб, учинчи ўринни эгаллаб турибди. Рейтингни тўртинчи-бешинчи погоналарини эгаллаб турган Венгрия ҳамда Польша аҳолиси тегишинча 1 989 ва 1 985 соатдан ишлаган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотларига қараганда, энг «танбали» Голландия аҳолиси экан. Бу ерда ҳар бир ходим йилига ўрта ҳисобда 1 391 соатдан меҳнат қилган. Шу зайил голландларнинг ўртача кунлик иш муддати кунига 3,8 соатни ташкил этган. Мабоодо тўрт ҳафталик меҳнат таътили ва барча дам олиш кунлари ҳисобга олинса, Голландияда иш кунининг ўртача муддати 5,7 соатга боради. Голландия мазкур Ташкилот таркибига кирган 1987 йили рейтингда охиридан битта олдинги ўринни эгаллаган эди. Аммо 1988 йилдан бери охириги ўринни «бегона қилмай» келаётди.


1987 йили рейтингда охириги ўринни олган Норвегия ҳозир ҳам бешта «танбал» мамлакатлар қаторида турибди. Энг сўнги рейтинг якуналарига кўра Норвегия 29-ўринда

экан. Бу мамлакатда ҳар бир меҳнатчи йилига ўрта ҳисобда 1 407 соат ишлаган. 28-ўрин Германияга тегибди, ушбу мамлакат фуқаролари ишга норвегияликларга нисбатан 19 соат кўпроқ сарфлашибди. Жаҳондаги энг ишчан мамлакатлар рўйхатида Бельгия 26, Франция эса 27-ўринни эгаллади. 2006 йили французлар ўрта ҳисобда 1 564 соат, бельгияликлар эса 1 571 соат ишлаган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тадқиқотчилари қайд этишича, мазкур Ташкилот таркибига кирган барча мамлакатларда 1983 йилдан эътиборан меҳнат аҳли ўртача иш куни муддати бетўхтов қисқариб борган. Кореяликлар бу борада ҳам биринчи экан.


Америкаликларда иш куни ўзгармай келаяпти ҳисоб. Улар 1980 йилда ҳам, 1990 йилда ҳам, 2006 йилда ҳам ўрта ҳисобда йилига 4,9 соатдан ишлаган. Жорий рейтингда улар тўққизинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ҳар бир америкалик меҳнатқаш йилига ўрта ҳисобда 1797 соат ишлаган.

Қизиғи шундаки, ҳамма даврларда ишчанлиги, меҳнатга меҳри билан донг таратган японияликларнинг ҳар бири 1 784 соат ишлаб, охириги рейтингда 12-ўринни олди. Уларда ўртача меҳнат куни муддати 4,8 соатни ташкил этди. Адолат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, 1970 йилдан то Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига корейликлар киргунга қадар Япония энг ишчан мамлакатлар орасида биринчиликини бермай келган.



АҚЛИ БОЛАЛАРНИНГ ЗҶРИ Финляндияда

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Франция бўлими томонидан жамоатчилик



ҳукмига ҳавола этилган «Таълимга назар» деган маърузада жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатларидаги мактаб таълими муаммолари таҳлил этилган. Маърузани тайёрлаш асносида йўл-йўлакай ўтказилган тадқиқотларга таяниб олимлар энг ақлли ўқувчилар Финляндияда экан деган хулосага келдилар. Улар бунда энг аввало ўн беш ёшли ўқувчилар ўртасида математика ва бошқа фанлардан ўтказилган тест натижаларига эътибор бердилар. Ўқувчи таълим олиши учун давлат томонидан қанча маблағ ажратилганлиги, бир йилда ўқишга қанча соат ажратилганлиги ва бошқа талайгина омиллар ҳам инобатга олинди. Барча кўрсаткичлар бўйича Финляндия пешқадамлик қилди.

ШВЕЙЦАРИЯДА... Қириллар ўқийди

Швейцариядаги болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган Le Rosey пансион расмий равишда жаҳондаги энг қиммат мактаб деб топилди. Бу ерда ўқитиш қиймати йилига 73 150 долларни ташкил этади. Бу бежиз эмас, албатта. Пансион энг нуфузли мактаб ҳисобланади, Европадаги кўпгина қирилларнинг фарзандлари айна шу ерда ўқишади.

Мактаб ўрта асрларда қурилган қасрда жойлашган бўлиб, теграсидаги 28 гектарлик майдон ҳам пансион ихтиёрида. Миллионерлар оиласига мансуб ёшлар, шаҳзодалар ўқиш асносида пансионнинг ўнта теннис

корт, сув ҳавзаси, сауна, ҳаммом, яхта клуби ва бошқа иншоотларидан эмин-эркин фойдаланадилар. Дарвоқе, бадавлат ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам фарзандини бу пансионга жойлай олади деб бўлмади. Зотан, пансион эшиклари асосан қадимий дворянлар шажарасига ёки миллионерлар сулоласига мансуб болалар учунгина очикдир. Шу ерда ўқиш истагини билдирган ўқувчи зодагон бўлмаса-да, ёшига нисбатан беқиёс қобилият ва билим намойиш эта олса, истисно тариқасида ўқишга қабул қилиниши мумкин.

БЕМАЪНИ, АММО ҚОНУНИЙ

Энг бемаъни қонунлар сони бўйича Буюк Британия курраи заминимизда биринчи бўлиб турибди. Чунончи, мамлакат фуқароларига... парламентда вафот этиш қатъиян ман этилади. Қироллик тобеи ҳисобланган кишиларнинг ҳаммаси бу қондан бемаъни деб ҳисоб-



лайди. Шунга қарамай ҳеч ким уни бекор қилишни ўйламайди.

Шу мамлакатда амал қилиб турган яна бир қонунга кўра Британия қиролчилиги ёки қироли тасвири туширилган маркани тескари ёпиштирган одам давлат хоини деб топилади. Яна бир қизиқ нарса шуки, маҳаллий аҳолига Рождество кунлари майиз солинган ширин ёғлик нон ейиш ман этилади.

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, Бирлашган Қиролликнинг қонун ҳужжатларида бунга ўхшаш бемаъниликлар кўп. Бундай нормаларнинг аксарияти аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган. Бироқ британияликлар учун бундай кўрсатмаларга амал қилишдан бошқа илож йўқ, шу жумладан улар парламентда асло ўлиб-нетиб қолмасликлари керак.

ТУШОВИ ҚИММАТРОҚ


Кейинги вақтлардаги энг аҳмоқона жарима солиш билан боглик воқеа ҳам Бирлашган Қиролликда

содир бўлди. Бир тиббиёт ҳамшираси машина ҳайдаб бораётиб олма ушлаганича машинасини бурганлиги учун 60 инглиз фунтига жарима солинди. Ана шу иш бўйича далил-исбот тўплашга Британиянинг ҳуқуқ-тартиботчилари нақд 10 минг фунт стерлинг ва салкам бир йил вақт сарфладилар. Қиз айбини бўйнига олишдан қатъиян бош тортганлиги сабабли полициячилар ҳақ эканликларини суд орқали исботлаш учун тафсилотта оид материалларни мисқоллаб йиғишга мажбур бўлдилар.

Тўғри, ҳозир давлат маблағини талон-торож қилиб юборганликлари хусусида полициячиларнинг ўзига нисбатан иш очилди. Арзимаган воқеани деб шунча сарф-харажат қилинганлиги қанчалик тўғри эканлиги хусусида иккиланиб қолган полиция департаменти ички текширувни бошлаб юборди.

ҚОПЛОНДАН... МУШУК ТУФИЛДИ

Ҳозирги кунда ашер зотли мушук жаҳонда энг қимматли ҳисобланади. Уни АҚШда Осийё қоплонини оддий хонаки мушук билан чаптириш асосида яратдилар. Янги зотли мушукнинг териси ҳол-ҳол бўлиб, балагат ёшида жониворнинг вазни 14 килограммга бориши мумкин. Бундай мушукнинг бо-



ласи 22 минг доллар туради. Мушук катта бўлгани сари унинг баҳоси ҳам ортиб боради. Мушукка Интернет орқали буюртма бериш мумкин. Уни етказиб беришнинг ўзи 1 500 долларга тушади. Айтмоқчи, бундай мушукли бўлишни хоҳловчилар кўп эканлиги сабабли уни 9-12 ой куттишга тўғри келади. Қоплондан тарқалганига қарамай у беозор ва мулойимлик хислатини сақлаб қолган.

ҚИММАТГА ТУШГАН ХАТО

Бундай қараганда арзимас, анчайин туюлувчи хато иши гуркураб турган компанияга ҳам бир олам ташвиш келтириши, судлашишга олиб бориши, баъзан эса миллиард-миллиард доллардан маҳрум этиши мумкин экан.

МИСИ ЧИҚДИ

Биттагина хато туфайли Швециянинг ошпазлик йўналишидаги энг оммавий Matmagasinet журналининг кейинги сонларидан бирини савдодан йиғиштириб олиб йўқ қилишга тўғри келди. Бу сонда олмали пирог пиширишга оид материал эълон қилинган бўлиб, унда хушбўй ҳид таратиб туриши учун пирогга 20 та жавзбўё (мускат ёнғоғи) қўшиш тавсия этилган эди. Аслида бундай ёнғоқнинг туолган мағзидан икки чимдим солиш керак эди, холос. Мускат ёнғоғининг меъёрдан ортиғи пишириққа аччиқ таъм беради, энг ачинарлиси уни захарли егуликка айлантдириб қўяди. Ноширлар 50 минг нафар обуначига огоҳлантирувчи хат юбордилар, махсус киритма-варақа чоп этиб журналнинг сотиб улгурилмаган нусхаларига илова қилдилар, сайтда тузатиш йўсинида тушунтирув бердилар. Шунга қарамай камида тўртта швед машъум рецепт асосида тайёрланган пирогдан захарланди. Пировард натижада Matmagasinet ушбу сонининг қолган қисми – тахминан 10 минг нусха савдодан қайтариб олинди.

АПРЕЛЬ АВГУСТ ДЕГАНИ ЭМАС

Солиқ органларининг ҳужжатидаги хатолик оқибатида «Эс Си Эй Хайжин» компанияси 2005 йилнинг август ойида экспорт қилинган товарлар юзасидан қўшилган қиймат солиғи бўйича 78,9 минг рубль миқдоридаги чегирмадан маҳрум бўлишига бир баҳя қолди. Солиқчилар махсулот етказиб берувчилар билан тузилган битимларга оид бирламчи ҳужжатларни талаб қилиб олишда негадир август қолиб апрель ойига оид ҳужжатларни сўрашган. Сўнгра шу ой (апрель) учун компания ахборот топширмаган деган ваз билан чегирма тўлов тўлашдан бош тортишган. «Эс Си Эй Хайжин» компанияси Москва шаҳар арбитраж судига мурожаат этган бўлса-да, бу судда ҳам, кейинги икки инстанция судида ҳам ишни ютқазди. 2007 йилнинг феврилидаги Россия Олий арбитраж суди компания солиқчилар хатоси жатига қолмаслиги керак деб топиб, масалага узил-кесил нуқта қўйди.


АФАНДИ МИСОЛ

Токио биржасида дарсликларга бетимсол мисол тариқасида киритса бўладиган ҳодиса юз берди. Mizuho Securities ходими J:Com компаниясининг ҳар бири 610 минг иена турадиган акцияларини... биржа орқали бир иенадан пуллаб юборди. Оқибатда J:Com компанияси нақд 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида талафот кўрди. 2006 йил 27 июлда ҳам қизиқ иш бўлди: NASDAQ биржасида чаққонлик қилиб улгурганлар икки минут ичида Google акцияларини атиги 38 доллардан сотиб олдилар. Аслида сотувчи 380 доллар ўрнига янглишиб 38 доллар деб ёзиб юборган экан.

ТУПРОҚ ОЛСАНГ... ОЛТИН БАҲОСИДА ОЛ

Таркибида алюминий оксиди бўлган тупроқ сотиб олиш юзасидан 2007 йили ўтказилган тендерга оид талабномада йўл қўйилган хато туфайли Канаданинги алюминий ишлаб чиқаришга ихтисослашган Alcan Inc. компанияси наҳ уч миллион долларга чув ташай деди. Бу компания Ҳиндистоннинг National Aluminium компаниясига бундай тупроқнинг ҳар тоннасини 237 доллар ўрнига 337 доллардан сотиб олиш таклифини билдирди. Ҳинд компанияси ҳам анойи эмас – бунақа таклифга дарҳол кўна қолди. Талабгор айтган нарх бозордаги ўртача баҳодан 40 фоиз кўп эди-да! Лекин канадаликлар вақтида эс-хушларини йиғиб олдилар. Битим барибир амалга оширилди. Томонлар қандай нархга келишганликлари эса уларнинг ўзига ва худого аён, холос.

ЯНА БИР ГАП...



TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 9 (190)

2009 йил 20 февраль

Бўлғуси тақдимот маросимлари,
кўргазмалар, матбуот
анжуманлари ҳақидаги
матбуот-релизларни, хабарнома-
таклифномаларни
«Норма маслаҳатчи»
таҳририятининг
реклама хизматига 237-51-33
телефон-факси орқали
жўнатишингиз мумкин.

“SANAY” ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ

сотаци, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

Тўлов – исталган
шаклда

КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ

ТАНЛОВИНГИЗГА КўРА...
ШКАФЛАР, КУПЕ ШКАФЛАР,
ГАРДЕРОБЛАР, ОШХОНАЛАР
МЕБЕЛИ, ЁТОҚХОНАЛАР
МЕБЕЛИ, ОФИС МЕБЕЛИ



буюртмага тайёрлаш
Т.: 746-80-72
127-80-72

«Elite stamp» МЧЖ
**МУҲР ва
ШТАМПЛАР**
реквизит ва факсимил
штампчалар, шунингдек
автоматик жиҳозлар
Хизматлар лицензияланган

тел.: 766-0977, 769-0100,
факс 248-3045.
e-mail: elitestamp@mail.ru

РЕЛМОН-ГАРАНТ
адвокатлик бюроси
хўжалик юритувчи субъектларга
ҳуқуқий ва юридик ёрдам

281-59-72, 919-11-39
919-39-10, 188-98-11

ЯНГИЛАНГАН NISSAN TIIDA

ХАРАКАТДАГИ КУЛАЙЛИК

Товар сертификатланган

TIIDA

Ажойиб динамика ва ўзига хос кенг салон. Йўлдаги ишонч ва ички сайқалнинг юқори сифати. Ҳар бир деталнинг бекаму кўстлиги. Ишончлилик, хавфсизлик ва шинамлиқнинг ўзига хос муҳити.

МАХСУС ТАКЛИФ
Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибьютори Premium Auto компаниясидан. ☎ 295 88 77

Нархи 32 000 \$ дан* 2 йил кафолат ёки 50 000 км босиш + ОСГО СОВФАГА
*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олиб кўрсатилган

NISSAN
SHIFT_lifestyle

“ПАЗавтотранстехмаркази” ГРУППА ГАЗ
Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси
ООО ЦТД “РУССКИЕ АВТОБУСЫ”
КОМПАНИЯЛАРИ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН ВА БУЮРТМАГА СОТАДИ

ЎРТА ВА КАТТА СИНФДАГИ АВТОБУСЛАР

Ўзбекистон бозорида
10 йилдан ортиқ вақтдан
буён Сизнинг ишончли
ва узок муддатли
ҳамкорингиз

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАРГА ЧЕГИРМАЛАР

Тел.: 109-71-87, тел./факс: 150-20-41, 241-34-70 e-mail: pazauto@sks.uz

